



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2016-yil 28-oktabr №44 (4391)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омилли сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарини номи билан бириктириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар деб аташ тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари (кейинги ўринларда – эркин иқтисодий зоналар) фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режими белгилаш, солиқ ва боғжона имтиёзлари, преференцияларни бириктириш;

маҳаллий минерал-ҳомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштирилган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

эркин иқтисодий зоналарда «ягона дарча» тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларида босқичма-босқич ўтиш;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги Р-4351-сонли фармойишига мувофиқ ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссиясининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланилаётган солиқ ва боғжона режимида бириктирилган тадбирларни ҳамда ушбу зоналар иштирокчиларининг қуйидагилардан:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, обodonлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, ҳомашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун боғжона тўловларидан озод этиш (боғжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур бандда қайд этилган боғжона имтиёзлари қўлланилган ҳолда олиб келинган ускуналар, ҳомашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилган ёки бегараз берилган ҳолларда, улар олиб келинган пайтдан бошлаб уч йил давомида боғжона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Фармоннинг 3-бандида қўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ долларига ҳажмдаги инвестициялар сўнги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланилган ҳолда – 10 йил муддатга берилди.

5. «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун шундай тартиб қўйилсинки, унга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари:

эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган ҳомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун боғжона тўловлари тўлашдан (боғжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлари – резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг Маъмурий кенгашилари тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш;

корхона ва ташкилотларга – эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари маҳомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган ҳўжалик субъектларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, мустаҳкам кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга қўмаклашиш;

эркин иқтисодий зоналарда лойиҳаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ҳамда шартнома ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларга оид ишларини мувофиқлаштириш;

эркин иқтисодий зоналарда объектлар қуриш ва уларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга доир тасдиқланган инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишини тизимли асосда назорат қилиш;

эркин иқтисодий зоналарда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш; эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

7. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига:

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва давлат тасарруфига бўлган мулкларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарт билан «ноль» қийматда сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг хизматлар кўрсатиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, улар фойдаланаётган ва бошқарувидagi ерлар, бино ва иншоотларни ижарага беришдан тушадиган тушумлар ҳисобидан шакллантирилган ўз бюджетларини ташкил қилиш;

ушбу бюджетлар доирасида эркин иқтисодий зоналар инфратузилмасини ривожлантириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган Эркин иқтисодий зоналар жамғармаларини ташкил этиш ҳуқуқлари берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари ва уюшмалар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши тўғрисидаги Низомни;

"Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ва ушбу зоналарни ривожлантиришнинг бошқа масалаларига тааллуқли аниқ тадбирлар қўзда тутилган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов зиммасига юксалин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 октябрь



ОРЗУ БЕКАТИДАН ЎТАР ПОЕЗДЛАР

Жонажон юртимиз тарихининг унутилмас воқеаларидан бири, шубҳасиз, 2016 йил 22 июн кuni Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокидаги Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Камчик туннелининг очилиш маросимидир. Осмонўпар тоғлар бағридан ўтган бу самовий йўлни тараққиёт, келажакка элтувчи, дўстликни мустаҳкамловчи, таъбир жоиз бўлса — Буюк Ипак йўли деб аташ мумкин. Ҳаттоки, орзу қилиш ҳаёлимизга-да келмаган тоғдаги темир йўл "Орзу" бекатига ҳам олиб боради. Биринчи Президентимиз ташаббуси ва жасорати билан амалга оширилган, аср қурилиши деб аталган довол йўли бунёдкор халқимизнинг матонатини, мамлакатимизнинг қудратини яна бир бор дунёга намойиш этгани айни ҳақиқат.

КЕЧА ВА БУГҲН

Водий томонларга охириги марта қачон поездда борганимни эслолмайман. Аниғи шуки, бундан йигирма беш йиллар олдин Андижонга доим поезд-

Эрта тонгда Тошкент — Андижон йўналишидаги тезюрар поезднинг чароғон вағони, янги ўриндиғи, мовий, тоза йўлак ва ҳушбўй ҳавоси баҳри дилимни очди. Фарбий Тангригоҳнинг Чотқол ва Қурама тизма тоғларини оралаб, Камчик туннелидан ўтиб, Андижонгача элтувчи тезюрар поездга илк бор чиқишим. Мен учун унутилмас куннинг ҳаяжонли лаҳзалари. Вагонлар оҳисти ўрнидан жилар экан, диктор қизининг ёқимли овози янгради: "Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти номидан Сизни Тошкент — Андижон йўналишидаги "Ўзбекистон" тезюрар поездига кутлашдан мамнунмиз. Манзилга етиб бориш вақти олти соат. Сафарингиз мароқли ўтсин".

одам зичлигидан тик туриб кетишарди. 12 соат. Чиптасиз. Устига устак, қора тугун пуркаб кетадиган тепловозга яқин вагонга чиққанлар ойна тирқишидан кирган дуддан "бебаҳра"

Бир аср олдин эса... 1919 йили Хиротта йўл олган маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний "Афгон саёҳати" асарида шундай ёзади: "17-июнда сабоҳ соат 8 да Хавосдан Самарқандга қараб равона бўлдук. Бизим бу минган маданият айғиримиз пишқири-пишқири равон бўлди. Ҳозирда Туркистонда ер мойи — дугут — қора мой оз ўлдиғидан ўтун ёқилиб юрарди. Бу маданият мошиниамизга ўтун ёқилдиғидан бу айғирнинг оғзидан йўлнинг ҳар икки

Ундан ҳам ярим аср олдинроқ — 1868 йилда Европа бўйлаб сафарга чиққан буюк рус ёзувчиси Лев Толстой Варшавадан Парижга кетар экан, темирйўл саёҳатини "инсонга хос бўлмаган ғайрихитойи ва ўлғудай зерикарли", деб ёзади.

Бу воқеаларни ҳозирги замон поездлари билан таққослаб бўлмайди, албатта. Аммо эслашга арзигулик тарихий воқеалар.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЎХШАШИ ЙЎҚ УЙ, ЎХШАШИ ЙЎҚ ҒАМХЎРЛИК

Халқимиз эзгуликнинг, эзгу ишнинг чеки йўқ, деб бежиз айтмайди. Истиқлол йилларида бу ҳикматнинг амалий ифодасини халқимиз ҳаётда ҳар лаҳза, ҳар қадамда қўриб, ҳис этиб, шукрона айтиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда қишлоқ ҳойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-ҳойлар қуриш дастури тўғрисида"ги Қарорини ўқиб, бу ҳикматнинг яна бир улғу жозибасидан баҳраманд бўлдик. Тўғриси, давлатимиз раҳбари Қарорининг ҳаётбахш нафаси кириб бормаган бирорта хонадон топилмади керак. Негаки, биз ўзбеклар, умуман, юртимизда истиколат қиладиган барча халқлар болажон ва болапарвардир. Катта оила бўлиб яшаш аждодларимиз қон-қонига сингиб кетган. Шунинг учун ҳам юртимизда ҳар кун тўй. Кимдир ўғил уйлантирган, кимдир қиз чиқарган. Албатта, катта ё кичикдир, ўзининг алоҳида уй-жой бўлишини орзу қилмаган бирорта оила топиламан.

Истиқлол йилларида бу борада Биринчи Президентимиз бошлаб берган ташаббус — ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, "Қамолот" фаолларига имтиёзли уй-ҳойлар

бериш, ҳарбийлар, чегарачилар, ички ишлар ва боғжона ходимлари учун қуриладиган кўп қаватли уйлар, бу уйларни олиш учун қўзда тутилган имтиёзли банк кредитлари қанчадан-қанча оилаларни уй-жойли қилмоқда, қанчадан-қанча энди турмуш қурган ёшларнинг бахтини тўқис этиб, қувончига қувонч қўшмоқда. Намунавий лойиҳадаги замонавий қишлоқ уйлари ўзбек қишлоғининг асрий қиёфасини ўзгартириб, уларга шахармисол жозиба бағишлаб, шахарлардагидек маиший қулайликлар билан таъминлаётган бўлса, янги-ланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-ҳойлар қуриш дастури тўғрисидаги Президент Қарори эса, бундай имкониятдан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган, ижтимоий химоя, мадад-муруватга эҳтиёжманд оилаларнинг ҳам тўқис баҳраманд бўлиши учун катта йўл очади.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИ

Тошкент шахридан чиқиб жадаллашган поездимиз ортидан япрок тўкаётган кўзги дарахлар эргашиб қоларди. Янги поездни кўрган автомашинада кетаётганларми, пилдаларми, далаларда кўзги ҳосилни йиғайтганларми — ким бўлмасин, кўл кўтариб, бизга ҳавас билан қараб, кўтлашади. Лайлақлар ин кўрган саноксиз симёғочлар қаторлашган ўрта Чирчиқ кенгликларидан ўтиб, Оҳангарон водийси сари елар эканмиз, яқинлашаётган тоғолди табият олами янада гўзаллашиб бораверди. Ўрта Чирчиқда ўрикзор кўп бўлса, Ангренда йўл бўйи олмасор экан. Янги Ангрен иссиқлик электр станциясига яқинлашганда чап томонда илк тоғлар кўрина бошлади. Яримайлана тоғлар билан ўралган Оҳангарон водийси баҳор ойларида яшилликка бурканиб, ҳар қачонгидан ҳам сўлим бўлади. Аста-аста тоғлар юксалиб бораверади. Олисларда катта-кичик қишлоқлар кўзга ташланади.

Тошкент шахридан жўнаган поездимиздан сўнг бир ярим соатда Оҳангарон сув омбори олдида темир йўл яна автомобил йўли билан ёнма-ён давом этади. Эртошсойнинг гоҳ у қирғоғида, гоҳ бу қирғоғида елаётган поездимизнинг автоллардан кўра илдамроқлиги сезилади.

Шу орада вагон кузатувчиси Жавоҳир хушмуомалалик билан чой таклиф қилиб қолди. Вагон ойналари катта ва тиниқ, топ-тоза. Бригадир ёрдамчиси Жавоҳир билан йўл манзаралари ҳақидаги суҳбатимиз кўзгин кечди:

— Баҳорда бу ерлар ян-яшил бўлади, сойлар ҳам тўлиб оқади, хориқлик сайёҳларни ҳам ҳайратда қолдирадиган жойлар кўп, — дедим атрофга қараб.

— Мен бўлсам, тезроқ қор ёғишини кутяман. Ҳамма ёқ оппоқ бўлса керак, — деб дилидагини айтди Жавоҳир.

Поезддаги кузатувчи ходимлар — хушмуомала, ўз ишини яхши биладиган ва ҳаракатчан ёшлар — аҳил жамоа. Йигитлар ўзлари ишлаётган йўналишдаги Сардаладан Чодак қишлоғигача 19,2 километрни, мураккаблиги бўйича дунёда саккинчи, узунлиги жиҳатидан эса ўн учинчи ўринда турадиган, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида тенгсиз ҳисобланган туннель ва темир йўл билан боғлиқ ҳайратланарли воқеалар ҳақида фахрланиб ҳикоя қилишди.

ТОҒ ОРТИДАН ТОҒ КЕЛАР

Тоғлар шунақа. Оқтов тепасидаги Арашан булогининг зийратига борганимизни эслайман. Довон йўлидан бурилиб, Эртошсой бўйлаб юқорига, булоқ томон йўл олар эканмиз, қаршимизда баланд қоялари кўкка туташган биргина тоғ турарди. Шу чўққига чиқсак, булоққа етиб борамиз, деб ўйладик. Ваҳоланки, тоғнинг устига чиқганимизда қаршимизда бир оз ни-

шаблиқдан кейин ундан ҳам баландроқ қоялар намоён бўлди. Кейин яна бир тоғ, кейин яна... Хуллас, доvon йўлидан бошлаб гоҳ сой ёқалаб, гоҳ сой ўзани устидан олтимиш қақиримча йўл босдик. Ёзининг саратонига қарамай, тоғлар бағри ян-яшил эди. Йўлда атрофини майса-ғиёҳ қоплаган жилғалар шитоб билан кўнгирақдай жаранглаб оқиб ётибди. Улар бора-бора бирлашиб сойга, сойлар эса дарёга айланади. Кечалари жуда аёз бўларкан. "Ёз ёпинчигини кўйма, қишда ўзинг биласан" деган гап тоғлар учун айtilган бўлса керак. Бизни бу тарафларга бўзлик чўпон — Анвар чавандоз таклиф қилганди. Ушанга ҳам ўн беш йилдан

тортиб, Оҳангарон жулгаси била келиб, Кандирлик доbonининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб, хон додамни кўрдим. Кандирлик доbonини ошиб, Аҳси тарафига тушулди". Демак, улар Оҳангарондан доvon орқали хозирги Поп тумани ҳудудида ўтганлар. Кандир — ўсимлик, ундан мато олинган ва қоп тикилган. Кандир қоп деб айtilган...

Ёнимда кетаётган ёши улўроқ кишининг оғайниси билан телефондаги суҳбати хаёлимни бўлди:

— Ҳа, янги поезддаман, доvonдан ўтяпмиз. Поезднинг шовқини йўқ экан. Шувиллаганича кетаяпти. Довондаман.

ОРЗУ БЕКАТИДАН ЎТАР ПОЕЗДЛАР

ошибди. Чавандоз танти, мард одам эди. Биз — меҳмонлар шарафига кўй сўйиб, улоқ берди. Чор атрофдан от кишатиб келган чавандозларни кўриб, бунча одам осмондан тушдими, деб ўйлагандим. Кейин билишимча, тоғлар орасида қадимий қишлоқлар, яна ёзда Оқтов яйловларига водийнинг чорвасини олиб чиққан чўпонлар кўп экан. Баҳорда келган сурувлар октябрда қайтишади, чунки куз ярмидаёқ бу тоғларга қор тушади.

Оқтовдаги шифобахш Арашан булоғи йўлида гоҳ юк машинаси, гоҳ пиледа, гоҳ отда шифо истаб кетаётганларни учратдик. Бир қараганда, кимсасиздай туюлган тоғлар бағрида муқаддас қадамжолар, сойлар бўйлаб сўлим қишлоқлар, мангу булоқлар, меҳмондўст одамлар кўп экан. Поездимиз ҳам тоғдан тоғга ошиб, баландлаб бораверди.

Чор атроф яққол кўриниб турган вагон ойналаридаги куз манзаралари энди киш тасвирларига ўта бошлади. Довонга қор тушибди. Яхшилаб синчилаб кузатсангиз, бу йўлларда тўрт фаслга монанд лавҳаларни кўришингиз мумкин.

“КАНДИРЛИК ДОБОННИ ОШИБ...”

Тарихий манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида Илоқ водийси деб аталмиш хозирги Оҳангарон водийсида шикор уюштирган, қишлаб қолган пайтлари бўлган. Географияга оид Х асрда битилган “Худуд ул олам” рисоласида Чотқол тоғлари Чадагал, Жадгал, Халлуқ тоғи (Карлуқ — туркий қабилла) деб аталган. “Илоқ — катта ноҳият, тоғ ва чўл оралиғида жойлашган, — деб ёзилади рисолада. — Аҳолиси кўп, экинзорлари бор, обод жой, одамлари оддий. Унда шаҳар ва рустолар кўп. Тоғларида олтин ва қумуш қони бор. Унинг худуди Фарғона, Жадгал ва Чоқ ҳамда Хашарт (Сирдарё) дарёси билан туташ”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз эса, йиғитлик пайтларида жасорат билан водий сари доvon орқали от солган. “Бобурнома”да шундай сатрларни ўқиймиз: “Хон ҳам черик



ОСМОНДАГИ МЎЪЖИЗА

Сой бўйлаб юқорига чўзилган темир йўл автомобил йўли билан ёнма-ён давом этади. Кўп йиллардан буён машинада, шундоққина тик кесилган тоғ остидаги йўлдан катнаганмиз, аммо одатда бу тоғларнинг юқори қисмини кўрмаганмиз. Поезд йўли тоғ остидан бирмунча узоқроқ ўтгани учун автойўл тепасидаги тоғларни ҳам биринчи марта кўриб туришим. Улар жуда гўзал экан.

Тошкентдан жўнаган поезд Қамчиқ туннелига яқинлашиб, “Орзу” бекатида тўхтади. Ҳақиқатан, халқимизнинг самовий орзулари ушалган бу мўъжазгина мўъжизали бекат темир йўлнинг доvonдаги юқори нуқтасидир. Атрофга назар ташласангиз, Оҳангарон водийси ястаниб ётибди, шундоққина пойингизда сув омбори товланади. Бир томонда оппоқ чўққилар офтоб нурида ялтирайди.

“Қамчиқ” туннелидан ўтар эканмиз, бундай баланд тоғ бағрида темир йўл қурган, яна узундан узоқ туннель йўлини бунёд этганларга чин дилдан миннатдорликни ҳис этдим. Туннелдан ёруғликка чиқиб бора эканмиз, Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари қанчалар катта худудни эгаллаганини кўрдим. Темир йўл оддий

йўлдан анчайин фарқ қилади. Ундан ортиқ вагон тизилган эшелоннинг йўли раvon бўлиши шарт. Ўрни келганда, тоғнинг бир томонини кесиб, пасайтириб ёки жарни тўлдириб, ўрни келганда сойлар, дарёлар узра кўприк солиб ёки тоғ остидан туннель қазиб мақсад сари йўл қурган бунёдкорларга минг раҳмат.

ПОП — ДАРВОЗА ДЕМАК

Кенгликлар ва шолзорлардан ўтиб, Поп вокзалига, йўловчилар тушадиган биринчи манзилга етиб келдик. Ўз номи билан тезорар поезд йўловчилари ҳам чаққон ҳаракат қилишлари керак, чунки бекатда кўп турилмайди.

Атрофга қарайман, ҳамма нарса янги: йўл ҳам, вокзал ҳам, поезд ҳам, бу ерга келган автомобил йўллари ҳам, ҳатто автомобиллар тўхташ жойида турган “Ласетти”, “Кольоль”, “Каптив”лар ҳам...

Яна йўлдамиз. Энди маҳаллалар, дала-лар оралаб шитоб билан бораётган поезд ойнасидан қишлоқ аҳли ҳовлисидаги боғларда серҳосил мевали дарахлар атрофга фойз таратиб турибди. Пайкалларда иш қизгин. Ёгин-сочинга қолдирмай шолли ўраётган одамларнинг кўнгли хотиржам. Аммо ян-яшил сабзи пайкалларида йғим-терим бошланмаган. Бир-икки оқ қиров тушиши қутилаётган бўлса керак. Қиров еган кўзги сабзи серсув, ширали бўлади.

Қишлоқ аҳли ҳовлисида мевали дарахт экди. Ўй атрофи ва кўча четларида тизилган тераклар олтин тусга кира бошлаган. Ҳа, тиниб-тинчимас водий халқи бир қарич бўш ер бўлса, дарров бир нарса ундирарди. Ота-бобларимиз азалдан оилада ўғил фарзанд туғилса, дарров терак қаламча қилган. Сафар давомида шунга амин бўлдимки, ҳар бир худудимизнинг ўзига хос экинлари бор экан. Масалан, Олтиариқ узумзорлари билан машҳур, Поғда шолли, Ангренда олма, Ўрта Чирчиқда ўрикзорлар ястаниб ётибди. Аммо ҳамма ерда ҳам мирзатераклар яқин-йироқлардан кўзга ташланади. Тераклар янги уй қуришда тиргак бўлади.

“ЯХШИ ҚАСАБА ВОҚЕ БЎЛУБТУР...”

Попдан сўнг Қўқон орқали Марғилонга келиб тушдик. Вокзалдан шаҳарга чиқишда Бурхониддин Марғиной шарафига маҳобатли ёдрорлик қўйилган. “Соҳиб” “Ҳидоя” Марғинойнинг Рушдон отлик кентидандур”, деб ёзилади “Бобурнома”да.

Бугун Фарғона вилояти, хусусан Фарғона ва Марғилон шаҳарлари янгича кифа касб этган. Фарғонадаги ал Фарғоний кўчаси ва унинг икки ёнида жойлашган қўпқаватли уйлarning ҳар бири ўзига хос жозибали. Менга шаҳар кўчалари аввалгига қараганда анча кенг кўринди.

ладиган иморатлар — болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқалар барпо этиш ҳам назарда тутилади.

Иккинчи турга мувофиқ аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар қурилади. Бундай икки хонали уйлarning умумий майдони 53,0 квадрат метр ва тахминий қиймати 93,8 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 101,5 миллион сўм бўлади.

Уч хонали уйлarning умумий майдони 63,5 квадрат метр ва тахминий қиймати 111,0 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 118,7 миллион сўм бўлади.

Учинчи тур 4 сотих майдондаги ер уча-

ЎХШАШИ ЙЎҚ УЙ, ЎХШАШИ ЙЎҚ ҲАМЎРЛИК

лар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги Қарорга Шарҳ”да таъкидланганидек, қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамиллигига кўра якка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилади.

Биринчи тур бўйича уч ёки тўрт йўлак, хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки ва уч қаватли кўп квартиралар барпо этилади. Бундай уйларда умумий майдони 42,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85,0 миллион сўм бўлган икки хонали квартиралар қуриш кўзда тутилади. Уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 88,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 миллион сўм бўлади.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган кўп квартиралар уйларда ҳовлида жойлаштири-

сткасида барпо этиладиган умумий майдони 115,0 квадрат метр бўлган ягона блокка бирлаштирилган икки қаватли тўрт хонали уйлар қуришнинг назарда тутилади. Бунда кўрсатиб ўтилган уйлarning тахминий қиймати 162,0 миллион сўмни, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 181,8 миллион сўмни ташкил этади.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй қурувчининг дастлабки бадалли 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги Дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун атиги 15 фоизни ташкил этади. Бу арзон уйлар Дастурига қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга қўмқалашади.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдордаги фойз ставкаси билан 15 йил муддатга берилади. Кейинги йилларда кредитнинг

ТЎПЛАМ МУҲОКАМАСИ

Уюшманинг жорий йилнинг ўтган тўққиз ойига бағишланган ҳисобот йиғилишида тасдиқланган ижодий кенгашларнинг янги таркиби ижодкорнинг жамиятдаги ўрни ва масъулиятини ҳис этган ҳолда фаолият олиб бораётди. Шерият, Наср, Танхид ва адабиётшунослик, Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгашларининг йиғилишлари кўзгини ўтказилди.

Ватан ва мустақиллик мавзусидаги янги асарларнинг қўлёзмалари, жанрлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилиниб, кенаш аъзоларининг фаоллиги оширилмоқда.

Шерият кенгашнинг навбатдаги йиғилишида ёш ижодкор

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Театр ва концерт саройи ҳамда унинг атрофидаги катта боғ ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Бозорлар айна қунарда ҳар доимгидан ҳам файзли, тўлиб-тошган. Сархил мевалар, олтиндай товланган узумлар...

“Яна бир Марғинойнинг, — деб ёзган эди бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида. — Андижоннинг фарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқе бўлубтур, пурнеъмат; анори ва ўруғи асру кўп хўп бўлуб. Бир жинс анор бўлуб, “дона калон” дерлар, чучуқлиғида зардолу майхушлиғидин андак чошини бор”.

Мамлакатимизда 2200 йиллик тўйи кенг нишонланган Марғилон бетакрор жамоли, буюқ тарихи билан ардоқли.

ЭЗГУ НИЯТЛАР РЎЁБИ

“Ўзбекистон” тезорар поездди Андижонга етиб келганида, ҳамма ҳам беҳиётиёр Биринчи Президентимизнинг 2013 йили апрел ойида Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтган сўзларини ёдга олади: **«Шу борада биз кўпдан буён ўйлаб юрган, бугунги кунга келиб рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлган яна бир муҳим режамиз ҳақида сизларга ахборот бермоқчиман. У ҳам бўлса, Ангрен-Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчимиз».**

Андижонда мамлакатимизда темир йўл қурилиши ҳақида “Пўлат белбоғ” номли дoston ёзган ва шу муносабат билан кўп манбаларни ўрганиб чиққан Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом билан учрашдик.

— Темир йўлдаги икки кўш рельс — оддий темир йўл эмас, бу буюқ халқ иродаси, улуг Ўртбошимизнинг орузси: бири қиммат, бири ҳиммат, — дейди устоз Тўлан Низом. — Бу йўл Биринчи Президентимизнинг халқимизга, айниқса, водий аҳлига сўз билан ифода-лаб бўлмас раҳнамолигининг исботи бўлди. Ҳали бу йўллар дунё темир йўллари-га боғланиб кетади, ҳали бу йўллар халқимизни қалбидаги асрий орзу-ниятларига етказиб боради. Қадимдан қолган аңъана — йўл ўтган жойлар обод бўлади, гўллаб-яшнади. Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари кўксидидаги гўзал табиат мўъжизалари, Чодак, Олтинқон, Пошшоота сингари қадимий қишлоқлар, Бобойи Ҳамадоний, Бўсмаст ота, Шайхи Зинда ота мақбаралари, “Она кўз ёши”, “Келинчак тош”, “Қарбало тош” каби қадамжолар келажда бутун дунё сайёҳларини қорлайдиган масканларга айланади.

Аслида ҳам Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва “Қамчиқ” туннели қурилишининг тарихи Ўртбошимизнинг Андижонда айтган унутилмас сўзларидан бошланади.

ХУМОЮН АКБАРОВ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 25 йили даврида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида улкан ўзгаришлар амалга ошди. Илчиллик билан босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар натижасида илгариги қонунчилик мустаҳкамлаб қўйган давлат манфаатлари тамойили ўз мавқеини инсон омилига бўшатиб берди.

Барча қонун мажмуалари, кодекслар деярли қайтадан қабул қилинди. Мавжуд уч ҳокимиятдан бири суд, ҳақиқатан ҳам жазоловичи органдан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нуфузли органга айланмоқда. Судьяларнинг ихтисослашуви, жинсий жазоларнинг либераллашуви, санкция бериш ҳуқуқининг суд ваколатига ўтказилиши, жазо тизимида “молмулк мусодараси” чиқарилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши суд-ҳуқуқ ислохотларидаги ўта жиддий босқичлардир. Ҳолбуки, ўзларини ривожланган халқчил ҳуқуқий жамият қурдик, деб ҳисоблайдиган кўпгина давлатлар жиноят қонунида ўлим жазоси ҳамон сақланиб турибди.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ижобий ишлар ва белгиланган чора-тадбирлар ҳақида ушбу санокни узоқ давом эттириш мумкин. Эл-эрт фаровонлиги, фуқаролар тинч-тотувлиги, ҳаётдан розилиги бевосита бошқарувнинг адолат тамойилига бориб тақалади. Маълумки, суд ҳокимияти мустақиллиги қанчалик мустаҳкамланса, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти ҳам шунчалик кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишонли ҳимоя қилиш қафолатларини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонунийлиқни, қонун устуворлигини таъминлашни назарда тутди. Фармонда ҳисомий ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал этмаслик, сансалорликка солиш ва беварққ муносабатда бўлиш ҳолатларига нисбатан жинсий жавобгарликка қадар жазо чораси белгиланиши қайд этилган.

Жиноят ишлари бўйича судьяларнинг иш ҳажми камайишига яна бир омил — маъмурий судларнинг ташкил этилиши бўлади. Тегшлии масъул органларга илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида 2017 йилнинг 1 июлига қадар: воёга етмаганлар учун назарда тутилган жинсий жазоларни енгиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш, судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш асослари-ни қайта кўриб чиқиш, ярашув институти-ни янада кенгайтириш, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги юрисдикцияга ўтказиш, жиноят ишини кўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига асосан амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш юзасидан таклиф киритиш белгиланган.

Ушбу Фармон билан тасдиқланган Иловада баҳариландиган ишлар ва масъул ижрочи органлар рўйхати қайд этилган. Зарур деб ҳисобланаётган таклиф ҳамда қонунларнинг тайёрланиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Комплекс чора-тадбирлар Дастурида суд ҳокимия-тининг чинкама мустақиллигини таъминлаш учун фуқароларнинг одил судловга эришиш доирасини янада кенгайтириш, суд қадрларини танлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш, одил судлов самарасини ва сифатини яхшилаш, жиноят ва жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигига эришиш, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш каби жиддий вазифалар қўйилган.


Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ соҳасидаги навбатдаги жиддий ислохот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси учун муҳим қафолат ҳисобланади. Юскак мақомадаги ушбу меъёрий Ҳужжат жамият тараққиёти учун муносиб даражада хизмат қилиши шубҳасиз.

ҲОЛМАМАТ ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Жавоҳир Уматовнинг “Беш ҳазина” номли дostonлар тўплами қўлёзмаси муҳокама этилди. Кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир йиғилишни очиб, юртимизда яратилган сўз эркинлиги, бадий адабиётни ривожлантиришга, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган имкониятлар ҳақида сўзлади. Ёш ижодкор Жавоҳир Уматовнинг йирик жанрдаги асарлар туркумининг яратишга журъат қилгани, бу борадаги машаққатли меҳнатдан қочмай, муомта адабиётимиз аъёнларини кўтариб, онг ва савия юксаклигини ҳам таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Р. МУСУРМОН

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири



ҲАЁТ

Ҳаёт яратади ўзи-ўзини.
Яратиб ишлари фақат бадиҳа:
Бахшилар айтгандай ногоҳ сўзини —
Тақдирга тик қараб — юмиб кўзини —
Ижод режасида билмай таҳлика.

Бир япроқ сарғаяр, ўсади бир гул,
Бир кас "оҳ" уради, жушар бир даҳо —
Ҳаёт — яратилишнинг кори-ла машғул
(Азалдан юмуши — на-да тахайюл,
На-да руҳ ишига этмаклик парво).

Сарғайган япроқдан аммо ўсар шеър,
Гулдан яралади инжа шаён — юрак,
"Оҳ"дан тугилади "Ё, ҳақ!", деган эр,
Даҳо — давронларга "Кўзингни оч" дер —
Қисмати яртаб нотаниш тилак.

Шу тарзда ўсмаклик бўлади бунёд —
Ривож тўлғониши — ҳамини янги:
Ўсиши, товуши, бўйлари, ранги...
Ўзини чўчмай яратар ҳаёт —
Чунки адашмайди ҳеч қачон Тангри.

Юлдузлар
сен учун порлар эҳтимол.

Сен учун эҳтимол
бахорлар келар.

Эҳтимол бу дунё сен учун
яраган...

Анов, тақдир эса —
Фақат сен учун.

Нега у
ташландик уй каби ғариб?

КУЗ ҲОКСАКЛИГИДА

Нечун
тақдирингда
яшамаясан?

Уни
бировларга
нечун топширдиг?

Тошкентда туш каби юрибсан.
Кетаясан,

ёмғир ювган шаҳарни оралаб —
қандай чиroyлисан!

Уйғонсам,

эсимда қоласанми?

Йўлқалар
пойинига
узун чўзилган,
мошинлар беовоз сузарлар кўчаларда.
Чорраҳаларда чироқлар баҳордай ям-яшил.
Сен учунми,
ё сенинг сеҳрингми бу мўъжизалар?
Сен — одам шаклидаги туманим —
тарқаб кетмайсанми
уйғонсам?

Ортингдан кетишга рухсат бер.

Бу ҳушёр дунёда,
бу ишчан дунёда,
бу бедор дунёда —
ҳеч бўлмаса,
биргина одам
тушининг ортидан кетсин!..

Айтгандай,
сен
неча қулиқ тушсан?

Ҳар хил ҳаёлга борма.

Умрим неча қун? —
билмоқчиман,
холос.

ЎСИШЛАР

Ҳар йил гуллайдиган дарахт,
Ҳар йил мева тугади.
Ҳар йил ҳазон бўлар.

Ҳар йил ҳазон бўлар.

Ҳар йил — ҳазон...

Ҳар йил...

Бори умри —
гуллаш ва ҳазонлиг.

Бори умри...
Гуллаш ва ҳазонлиг...

Ўсининг бошқа йўли йўқ! —
шу тарзда
юксалар дарахт.

Ҳар лаҳзада
шу тарзда
юксалар.

2

Ҳар лаҳзам — гуллаш.
Ҳар лаҳзам — ҳазонлиг.
Неча лаҳзадаман?
Лаҳзам нечада?

Қанчалар юксалдим?
Қанчалар кирдим ерга?

Қанчалар қуладим.
Қанчалар қазиб олдим ўзимни.

Йўқотиш — топиш қадардир менга.
Кулгулар — фарёл.

Ўзимни эса тинмай вайрон этдим —
Янги ўзимни бунёд этгани.

Хуллас,
ўзимни вайрон эта
зерикмадим бу дунёда яшашдан.

Дунё ҳам
мендан
зериккани йўқ.

3 МАЙСА

Куёшга интилиб ўсганим
ёдимда,

аммо куёш қовжиратгани
эсимда қолмаган.

Ёмғирдан қувонганим
ёдимда,

аммо жала эзгилгани
эсимда йўқ.

Фақат
эзгулик қолган ёдимда.

Шу сабаб,
ҳар йили
ўсганим ўсган...

Ўсганим ўсган...

4 ХАТ

Бугдойгина ўсади
Йиқилган жойида-ё.
Дарахтгина ўсади
Экилган жойида-ё.

Тўрт тарафга югурма,
Гирён тортма, ўксиниб.
Тинглаб кўр, юрак ўсар
Бир жойида — тепсиниб.

Бир нуқтага йиғилмоқ —
Ўсининг баракати.
Тўрт тарафга югурин —
Қорининг ҳаракати.

КЎШИҚ

Шовуллаган юрагим-о,
юришларинг ниёда-ё,

Бу ниёда юришларинг
учишлардан зиёда-ё,

Бир "оҳ" урсанг, кўз қолмайди,
бахор келар дунёга-ё —

У.АЗИМОВ 1950 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини тугатган. "Инсонни тушуниш", "Ҳолат", "Оқибат", "Кўзгу", "Сураат парчалари", "Дарс", "Бахшиёна", "Уйғонши азоби", "Узун тун", "Сайланма", "Куз" сингари шеърый ва "Жоду" насрий тўпламлари нашр этилган.

Куз қўнғимдан гул уздим-о,
ҳазонрездан ҳол тиздим-о,
Боримни ҳар дам буздим-о,
ҳар он ўзимни туздим-о.

Шовуллаган юрагим-о,
ҳам қувонч, ҳам азобим-о,
Ўзинг қанча саробим-о,
ўзинг қанча харобим-о,
Банда берган саволларга Худо берган
жавобим-о,
Дунёида куз — гулладим-о,
дунёида сўз — гулладим-о,
Дунёида муз — гулладим-о,
дунёида юз гулладим-о.

Тақдир азал ҳилпирайди
руҳ кўзгаган шамолда-ё,
Ҳеч ким билмас, нелар бор-о,
Худо битган аъмолда-ё,
Умрим ўтди қатра жавоб,
олам-олам саволда-ё —
Савол-жавоб жанги аро
қўзларимдан ёш изди-ё,
Парвардигор қисмат қўйин
не ҳасрат ичра чизди-ё.

Юрагим-о, мадад олдинг
яхшиларинг қўнғимдан-о,
Кўп уриндинг, борай дединг
улуғларинг йўлидан-о,
Банди бўлдинг — чиқолмадинг
пошшо қисмат қўлидан-о —
Мендан улкан тўзимсан-о,
мендан яхши ўзимсан-о,
Мендан ўтар сўзимсан-о,
мендан қолар изимсан-о!

КУЗ КЕЧАСИ

Ҳазонрез. Куз етди юракка —
Маромни бузди.
Заъфарон юлдузлар қўлмакда —
Кўкда ҳам кузми?

Шамолда шовуллар дарахтлар
Тунга таралди...
Негадир йиғлади бир одам —
Кўнғил яралди.



матини жойига қўйувимиз керак.

Даврадагиларнинг айримлари "Э-э, умми?" дегандек мийида қулади.

— Туври, у мактабда математикадан мисол ечолмай, менинг калтагимдан қашка бўлиб кетганди. Ўзи ўқмасаям, болаларини ўқитаман деб эски галтагини гийкиллаштиб кўринганикида ишлади. Шуйтиб улларини оёққа қўйди. Ўша пайт сен би-

Фаррух ЖАББОРОВ

ТАШАККУРНОМА

лан мен нима қилаётувдик? — домла гуруннинг ўзанини ата-йин шу томонга буради, мийи-ғида кулганларни нишонга олади. — Сен билан мен топанми-мизга том солаётувдик. Файби галтак ҳовлимида ишлатувдик. Топганимизнинг юздан бирини унга томизаётувдик. У шу томи-зги билан болаларини ўқитая-тувди. Охири ким ютди?

Айримлар чуқур хўрсинади, баъзиларнинг энаси қотади. Пармон пакки гапга аралашади: — Ўша Файбиддинбойнингиз тагин нима қилибди? Бу ёғини ҳам эшитдингизми?

— Нима қилибди?
— Уч кун зиёфат берибди!
— Калласи жўк-да.
— Ундан кўра, имкони етганича пул йиғиб, болага ноутбук олвермай-ма?! — Пакки эски буғолтирлигига боради-да, нукул фойдани ўйлайди.
— Унинг ноутбуги бор. Бултур танловда ютиб эди. — Сабзи тўраётган йигитча гап қотади, синфдошини мактаётганидан ичига сиғмай.

— Ҳа-а, "Уғлим Германияда математикадан олтин медал олди. Аэропортга кутиб олгани чиқамиз", деб юрвди. — Пармон пакки атайин ерга уриб гапирди. — Ўшанда ютганим ноутбуги?

— Йўқ, у воқеа бурноғи йили эди. Буниси бултур... Ўзи, Алишер Тошкентда ўқийман, деганида ҳамма "Катта институтларга катталарнинг болалари кирди. Сендақалар имтиҳондан орқачайин йиқилиб қайтади", деб махсаралаб эди. Мана, грантда

ўқияпти, — ёш йигитнинг суҳбат-га аралашгани даврага ёқмайди, безътибор эшитадилар. Айримлар "Сен-чи?" дегандек қарайди. Яхшики, у ҳам вазиятни вақтида фаҳмлайди.

— Ютарақансан, бир йўла "Молиби" ютмайсанми? Во-ҳо-ҳо-ҳо... — Ваҳоб "воҳ-воҳ"нинг ҳазилига ўзидан бошқа ҳеч ким қулмади. Курканинг жигилганига ўхшаш бўйни лиқиллаб кетди. Кўрик-танловни лоторея деб

иқки сўм солиб қўювмининг вақтида, деб сўрайдиган одам йўқ. Кейин Карим куёв уйга келиб, қизимизни тубалаган. Нега сен гений тугмайсан, деб.

— Генийни эна туғармикан, ота тарбиялайди-да! — деди Жонузоқ малим ўнгидан чапига ёнбошлаб. Айтган гапига бироз ўйланиб қолди: — Лекин қарсикки қўлдан, деган гаплар ҳам бор.

— Шу адолатданми? — Пармон пакки қизиша кетди. — Ташаккурномани Файби... галтак олса-да, калтакни бизнинг қиз эса...

Пичоқлар сабзитахтага қаттиқ-қаттиқ тега бошлади. Иккиора-учора шивир-шивир гаплар оёқланди. Пармон паккининг шу одади қолмади-да. Қизларию куёвларининг ўртасига тушгани тушган. Балким, биттагина ўғли бўлганида, биттагина келин тушириганида... тушунар-миди?

Секин ўрнимдан турарман, ташқариларман. Чироқ аранг ёритиб турган ўчоқбошида ҳам шу гап экан.

— Қизлоғимизнинг обрўйи-да! — дея гапини маъқуллаётгани Шароп шилди.

Қозон атрофи тонгда ош тортиладиган стол-стулардан бўз мато билан ажратиб қўйилди. Биқийи ошпаз яхна гўшт пишираяпти, арча хиди... Хонтахтани кўрғалаб ёш-яланг туйибди. Гурун яна ўша мавзуда:

— Қани, онгла! Қизлоғимизда шунақа боллар кўпаяверсин!

Ортимга қайтаман, кўриб қолмаганларни маъқул. Янгалар, қизлар зинадан тепага кўтарилиб, пастга тушиб, айвондан ўнг қўлдаги уйга кириб-чиқади.

Ҳайтовур, момолар, аммаю холалар шу ёқда бўлса керак. Ич-қари мўралайман:

— Ассалоому алайкум!

Кенг уй тўрида чой ичаётган, қуйроқда ликобчага қанд-курс солаётган — барча ялт этиб қарайди.

— Ке, келавер. Бегонаси йўқ. Ўзимизникилар бемалол ўти-раверади. Сал нарилар, айниқ-са, янгалар йиғиниб олади: рўмолини, ёқасини тўғрилайди. Ҳол-ахвол сўрашгач, суҳбатни узилган жойидан давом эттиради.

— Ҳа... Алишержон амалиёт ўташ учун бизнинг ишхонага келди, — дейди Бувиниса буғолтир. — Бир саволлар беради, уялиб қоламиз. Сен ташқарига чиқиб тур деб, тўрт ҳамкасб маслаҳатлашиб оламиз. Катта-мизга кириб сўраймиз. Танишларга телефон урамиз. Охири тушунтирдик: "Сенинг жойинг бу ер эмас экан. Бор-да, яхшироқ жойда амалиёт ўта. Қоғоз керак бўлса, муҳр босиб берамиз. Лекин ўқишни тугатгандан сўйин ўзимизга ишга келасан, раҳбар бўлиб..."

— Шу Файбининг ули-да? — сўрайди Ханипа момо, ичига ботган кўк қўзларини Бувиниса опага тикиб. — Паҳмоқдан чақмоқ, деганлари шул-да...

Ҳикоя

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Қизлоқда яқин-орада ҳеч кимнинг сигири бузоқламаганим, дейман. На бировнинг қизи эридан араалаб келган, на бировнинг уйига ўғри тушган. Ҳеч қурса, бирор-яримта теле-визорда футбол кўраётди "Гол!" дея бақираман деб оғзидан босини ютиб юбормаган-да. Топган гаплари "Файбиддинбой-га ўғлининг домларидан "Отанга раҳмат!" деган ёрлиқ кели-и-и-ибди!". Шунга нима бўлибди? Адашиб-мадашиб кетишгандир. Аввалига ёқди бу гурун, кейин-кейин эътибор бермасликка уриндим. Индама-сам... Мана, мен ҳам Тошкентда юрибман-ку! Нега "Ҳасанбой-динг ули..." деб мақташмайди, а? Кўзига кўрсатиб қўймасамми буларнинг! Ҳикоя ёзаман. Ўзув-чи бўламан. Китоб чиқараман. Барининг олдида битта-биттадан ташлайман. Дастхат ёзиб ташлайман. Кўриб қўйишин бил ким, Файби галтакнинг ўғли ким?

Ф.ЖАББОРОВ 1985 йили туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида таҳсил олган. "Мен қайтиб келаман" (Тоғай Мурод замондошлари хотирасида) китоби, "Олтин кўприк" ёш ижодкорлар тўпламини нашрга тайёрлашда иштирок этган.

Вазира ИБРОҲИМОВА

КИТОБ «ЎЗРИ»СИ

Ёзги таътилда уйга қайтсам, биринчи навбатда китоб жавонига кўз югуртириб, китобларим жойидаими, йўқми текшириб чиқаман. Жиянларим орасида битта «қўли эгри»роғи бор. Уйда йўқлигимдан хабар топса, елдай учиб келади-да, танлаб-танлаб сара китобларни олиб кетади. Унинг келганини севимли асарларимнинг бўшаб қолган ўрнига қараб дарров сезаман. Бир сафар қаттиқ хафа бўлдим. Чингиз Айтматовнинг бирварақайига иккита китобини «тинчитиб» кетган жияннинг адабини бериб қўймоқчи бўлдим. Тезда унга кўнги-роқ қилиб бугун шаҳарга қайтишим кераклигини, қўлидаги асарлар сабоқларим учун зарурлигини аниқ-тиниқ тушунтирдим. Ҳойнаҳой, пўпписамдан кўрқди шекилли, ярим соат ичида қадрдон китобларимни кўриб қувончим ичимга сиғмади. «Китобхон» эса терлаб-пишиб, айбдорона боғ эшиг турарди.

— Китоблар ҳар бурчада сочилиб ётганми дейман, нақ бир ярим соат кеч қолдинг?

— Йўқ, уларни аллақачон ўқиб бўлгандим, — тушунтира кетди «айбдор». — Ён қўшнимиз Зафар ака китобни яхши кўради. Уйда йўқлигимда онамдан сўраб, олиб кетган экан. Уйига ўтсам, ҳали ўзи ишдан қайтмабди. Аёли «Кеча синглим бир кунда ўқиб қайтараман, деб олиб кетганди» деса бўладими.

Китобларнинг анча «дунё кезгани» сарғайган, бироз қайрилган варақларидан ҳам сезилиб турарди.

— Яхшиям синглиси икки кўча нарида яшар экан, — сўзида давом этди, — бир амаллаб етиб борсам, унинг гапини қаранг: «Китобингиз шогирд қизларимдан бирининг қўлида эди, эртага келинг», дейди.

Китобларим қай манзиллардан айланиб яна қўлимга қайтиб келганига секин-аста шукрона айта бошладим.

Бизнинг «китобхон» эса зўр бериб саргузаштларини ҳикоя қилишдан тўхтамади:

— Шогирд қизни телефонда топиб, китобни зудлик билан олиб келишини тайинлаган устозига ҳалиги қиз бамайлихотир: «Бувим қачон ўқиб бўлса, шундан сўнг китобингизни қайтарар экан», дейди биринчи фалак холда.

Бир замонлар машҳур асарлар қўлма-қўл бўлиб, алмашишим ўқилганини эшитганману аммо бизнинг даврда ҳам бундай одатнинг сақланиб қолганини ҳали кўрганим йўқ эди.

— Шунчалик китоб ўқишни яхши кўришар экан, нега ўзлари дўкондан сотиб олишмайди? — хайрон бўлиб сўрадим.

Улуғ мутасаввиף Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, тариқати ва ижодини илмий ўрганиш XX асрда бошланди. М.Ф.Кўпрули, А.Саъдий, А.Фитрат, В.А.Гордлевский, А.К.Боровков, Э.Рустамов каби олимларнинг тадқиқотлари Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодини ўрганишда салмоқли ўрин эгаллайди. Истиқлол йиллари эса Аҳмад Яссавийга қизиқиш янада кучайди. Янги тадқиқотлар вужудга келди, янгиликлар қарашлар шаклланди. Бу жараён давом этмоқда.

Лекин таъкидлаб ўтиш жоизки, яқин вақтларгача Аҳмад Яссавийга оид тадқиқотларнинг аксарияти шоир ҳикматларининг сўнги асрларда кўчирилган нусхалари ва улар асосида Тошкент, Қозон ва бошқа жойларда эълон қилинган нашрларга асосланган эди. Зеро, Аҳмад Яссавий ҳикматларининг шоир яшаган даврга мансуб қадимий кўлэзма

Қуръон оятлари ва ҳадислар ҳамда айрим аҳамиятли жумлалар қизил чизик билан ажратилган. Кўлэзма тахминан Фарғона водийсида кўчирилган. Котиби номаълум. 21 арақ (1° — 21°).

Кўлэзманинг бошланишида рисола муаллифи сифатида шайх Аҳмад Яссавий номи келтирилади. Аҳмад Яссавий номидан кейинги "рахматул-

уза рисола тартиб қилиб, бу рисолага "Танзил ус-солиҳин ва кашфу ҳожотил-муридин" от қўйдум".

Рисола ўн бир муножот(боб)дан иборат бўлиб, улар қуйидаги сарлавҳаларга эга: биринчи муножот: тавҳиднинг баёни ҳақида(в. 2°); иккинчи муножот: маърифат баёнида(в. 4°); учинчи муножот: ишқ баёнида(в. 5°); тўртинчи муножот: зикр баёнида(в. 6°); бешинчи му-

Тадқиқот, ахборот

ножот: тасаввуф баёнида(в. 7°); олтинчи муножот: фақр баёнида(в. 9°); еттинчи муножот: шайх, мурид ва улар ўртасидаги одоб баёнида(в. 10°); саккизинчи муножот: шарият, тариқат ва ҳақиқат

Уш эмди бу самоғ боби ичинда, Бўлди бу рисоладин тамоми. Ўлтурил яна тизинг чўқубон, Ўшит Хожа Аҳмадининг каломин. Тарихи эрди эн хижрат "дол" у "фо"да, Қаламни қўйди "айн" у "мин" у "лом"и. Охириг икки мисрадаги "дол", "фо", "айн", "мин", "лом" бирикмаларининг аб-жад ҳисобидаги умумий қиймати 407га тенг. Бунга "қалам" сўзининг абжад ҳисобидаги қиймати — 170ни қўшсак, 577 рақами ҳосил бўлади. Демак, рисола ҳужрий 577(миллодий 1181) йили ёзилган бўлиб чиқади. Аммо илмий манбаларнинг аксариятида Аҳмад Яссавийнинг ҳужрий 562(миллодий 1167) йили ҳаётдан қўз юмгани қайд этилади. Бизнингча, бу 577 санои рисолаи Аҳмад Яссавий вафотидан кейин кўчирган котиб томонидан қўйилган бўлса керак. Ёки Аҳмад Яссавий вафоти санасини 562 деб белгиланишини илк манбаларга суянган ҳолда қайтадан текшириб қўриш керак бўлайди.

Шу ўринда америкалик тадқиқотчи Дени Ди Унинг юқорида биз зикр этган "Аҳмад Яссавий" номли мақола-сидаги қуйидаги фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз: "Бизгача муаллифи Аҳмад Яссавий, деб ишонч билан айтса бўладиган бирорта ёзма асар етиб келган эмас. XVI аср бошида "Меҳмонномаи Бухоро" муаллифи Фазлulloҳ бин Рўзбехон Хунжрий Аҳмад Яссавий мақбрасини зиёрат қилгани борган пайтида мазкур авлиё томонидан ёзилган бир китобни кўргани ҳақида хабар беради, Ҳазиний эса Аҳмад Яссавийнинг "Бўстон ул-орифин" номли асари борлигига ишора қилади. Ҳар иккала асар ҳам насрий бўлиши ва тасаввуфга оид бўлиши лозим эди(уларнинг тили номаълум)...". Фазлulloҳ бин Рўзбехон Ясси(Туркистон)да кўрган ва Аҳмад Махмуд Ҳазиний ишора қилган кўлэзма асар мана шу "Танзил ус-солиҳин" эмасмикан?

"Танзил ус-солиҳин" рисоласи ҳақидаги фикрларимизни аёнлашди эканмиз, рисола муаллифи Аҳмад Яссавий бўлиши мумкин деган тахминни илгари сурмоқчимиз.

Қуйидагиларни бу тахминга далил сифатида келтирамиз. Биринчидан рисола "Аммо билгил ва огоҳ бўлгил, эй рафиқи мушфиқ ва эй, сиддиқи мувофиқ! Андоғ айтур абд ал-фақир ал-ҳақир ал-музний илаллоҳи таоло шайх Аҳмад Яссавий..." жумлалари билан бошланиб, "Ўлтургил яна тизинг чўқубон, эшит Хожа Аҳмадининг каломин" мисралари билан тугайди. Иккинчидан, рисолада Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Маъруф Кархий, Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий, Шаҳобиддин Суҳравардий сингари машҳур мутасаввифларнинг номлари зикр этилган ҳолда Аҳмад Яссавийдан олдин ёки ундан кейин Мовароуннаҳр ва Туркистонда яшаган бирорта ҳам шайхнинг номи тилга олинмади. Учинчидан, рисола бошдан-оёқ эски ўзбек тилида ёзилган. Унда бирорта ҳам форсча жумла учрамайд.

"Танзил ус-солиҳин" рисоласининг нашр этилиши мумтоз адабиётимиз тарихидаги айрим муаммоларга ойдинлик киритиши мумкин деб умид қиламиз.

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,
Қўқондаги Гафур Ғулом номидаги
вилоят адабиёт музейи директори

Сўзлар билан сўзлашув

"МУЖМАЛ" АСЛИ МУЖМАЛМИ?

"Мужмал" сўзини ҳозирги пайтда ланж, мавҳум, на у ёқлик, на бу ёқлик, тушунарсиз, тайинсиз деган маъноларда ишлатамиз. Ланж, кесиб гапирмайдиган, эзма кишиларга нисбатан "мужмал одам" деймиз. Ҳолбуки, бу сўзнинг туб илдизи "қиска", "лўнда" маъноларида келади. Бу маъно сўзнинг ҳозирги маъносига мутлақо зид. Алишер Навоий асарларида ҳам "мужмал" сўзи "қиска" маъносини ифодалаган. Масалан, "Сабаи сайёр" дostonида шундай мисралар бор:

Достонларки айтгим мужмал,

Манга йўқ ҳеч анда бахсу жадал.

Мазмуни: Мен бу достонларни шунчалик қиска баён қилдимки, сўзларим орасида бирорта ҳам бахсга сабаб бўладиган, тушунилмайдиган ўрни йўқ.

Шунингдек, арабча "мужмал" сўзининг "йиғинди" деган маъноси ҳам борки, бу "жумла" сўзига тўғри келади.

"ТАЙЁР" асгу "ТАЙР"

"Тайр" сўзи тилимиз тарихида "қуш" маъносини англатган. Бу сўзнинг туб илдизи "учиш" мазмунини ифодалаган. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр", яъни "Қуш тили" деган машҳур достони бор. Ҳўш, шакл жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган "тайр" ва "тайёр" сўзлари ўртасида қандай яқинлик бор? Гап шундаки, бирор ишга ҳозирланиб, шай туриш мазмунида келадиган "тайёр" сўзнинг туб илдизи "учадиган", "учувчан" деган маънони билдиради.

ҒАРОЙИБ "ҒАРИБ"

"Ғариб" сўзини биз кимсасиз, ҳеч кими йўқ, бечора, мазлум маъноларида тушунамиз. Алишер Навоий асарларида "ғариб" сўзи "ғаройиб", "ажойиб" деган маъноларни англатиб келади. Масалан, "Сабаи сайёр" dostonида шундай мисралар бор:

Сенки борсен замон элида ғариб,

Санга бўлгон жаҳон ичинда ажиб.

Мазмуни: Сен бизнинг замонамизда яшаган кишиларнинг энг ғаройиби экансан, жаҳон ичиндаги бор аҳайиботлар сенга маълум экан. "Навоий асарлари луғати"да "ғариб" сўзи "мусофир", "кимсасиз" деган маънода ҳам изоҳланган.

"СУРБЕТ"НИНГ СУРБИГИ

Тилимизда "сурбет" сўзи юзи қаттиқ, гап қор қилмайдиган, орсиз кимсаларга нисбатан қўланади. Ҳўш, нега уларни "сурбет" деймиз? "Сурбет" сўзнининг ўзаги "сур" сўзи дудлаб ёки осиб қуриб қўйилган, қоқланган гўшт мазмунини ифода қилади. Бундай гўшт узоқ вақт қўшда қуриб, шамолда қотиб, жуда қаттиқ бўлиб қолади. Сур гўшт, сур балиқ бирикмалари бор. Юзи қаттиқ, уятсиз кимсаларни "сурбет" дейиш шундан келиб чиққан.

КОҢФЕТМИ? ГУЛҚАНД...

Қадимда қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб, офтобда қуриб тайёрланган бир хил ширинлик тилимизда "гулқанд" деб аталган ҳақида манбаларда ёзилган. Бу ширинлик конфетга ўхшаб бўлган. Навоий даврида "гулқанд" сўзнининг "гулшакар" шакли ҳам бўлган. Кейинчалик "гулқанд" сўзи аста-секин истеъмолдан чиқиб кетган ва унутилган. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асаридида шундай мисралар бор:

Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд,
Табаға гулқанд янглиғ судманд.

"КЕЧҚУРУН"ДАГИ "ҚУРУН" НИМА?

"Кечқурун" сўзи тилимизда оқшом маъносини англатиб келади. Бу сўздаги "кеч" сўзи ҳаммамизга тушунарли. Ҳўш, унда "қурун" сўзи қандай мазмунни билдиради? Манбаларда "қурун" сўзи қадимий тилимизда "вақт" маъносини билдирган, деб изоҳланади. "Қурун" сўзи тилимизда ҳозирда алоҳида ишлатилмайди. Лекин Манзар Абдулхайровнинг "Навоий асарларида сўз ва иборалар" китобида Алишер Навоий асарларида "қурун" сўзи алоҳида ишлатилган ўринлар кўрсатиб ўтилган. Масалан, "Насойим ул-муҳаббат" асарида: "Ўз замонада балки бунча қурунларда алардек солиқ муртоз киши ёд бермас", деган жумла бор.

Э.Севортян "қурун" ва "қурум" сўзларини бир-бирига боғлиқ ҳолда "қорақуя" маъносидида шарҳлайди.

Эшқобил ШУКУР

"ХАМСА"НИНГ МУХТАСАР ТАДҚИНИ

Бадий тилнинг имконияти чексиз. Чунки тил, биринчидан, табиат ва инсондаги гўзалликни акс эттириш воситаси бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзи ҳам гўзаллиқни вужудга келтирувчи мўъжизалардан.

Мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос хусусиятларининг бири — унинг лексикасида қадимги туркий, форсий, араб ва бошқа тил элементларининг кўплаб учрашидир. Мисра, байт ва матнда учраган ҳар бир сўз ўқувчи учун тушунарли бўлиши зарур. XV аср ўзбек адабий тилида яратилган ва эскирган луғавий бириклар кўп бўлган Навоийнинг "Хамса" асари ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Алишер Навоий асарларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишда насрий баённинг ўрни бекиёсдир. Аслида Навоий асарлари, хусусан, "Хамса" достонларини насрий баён қилиш ишлари XX асрдаёқ омалашган эди. Насрий баён ишлари билан ўз вақтида Гафур Ғуломдек улуғ шоирлардан Абдуқодир Ҳайитметовдек йирик адабиётшуносларгача шугулланган...

Дастлаб 2007 йили алоҳида-алоҳида нашр этила бошлаган Навоийнинг "Хамса" достонларининг ихчамлаштирилган насрий баёнлари, кейинчалик 2010 йили яхлит бир китоб шаклида босилди. Китобнинг кейинги йиллар давомида бир неча марта нашр этилишини ўзига хос маънавий эҳтиёж туйғайи юзга келган ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Бу нашрлар орасида, айниқса, 2016 йили



лардан айнан шу "Танзил ус-солиҳин" асари ҳақида ҳозирча бирор маълумот тополмадик. Бинобарин, фикр-мулоҳазаларимизда асосан шу кўлэзмага суянамиз. Асарнинг ёзилиши сабаби ҳақида муаллиф қуйидагича ёзади(в. 2°): "Ул сабабдин бизнинг асримиздоги тариқат султонлари ва ҳақиқат бурҳонлари — Туркистон машойихлари рисола қўлдилар. Эрсаким, муридларга, нибъмандларга мавъизате бўлсун теб ва машойихларга таъкирате бўлсун теб, ошқ кўнглига тасалли бўлсун теб ва орифлар жонига тажалли бўлсун теб ул ваҳидин нафсларини ижобат қилиб, қоғаз уза машойих каломотини паршон хотир бирла жамъ қидим..."

...Керакким, дарвишлар бизинг ҳақимизда маломат узатиб, айб қилмасалар ва амал қалқонини ўтру тугсалар ва ҳасад қиличани чолмасалар, ғайрат ёсини қуруб, ташний ўқини отмасалар ва меҳнат захрини сожмасалар. Бу ваҳж

Янги нашр

Ёзувчи Адҳам Даминнинг қисса, ҳикоялар, ҳажвия ва сочмаларидан таркиб толган янги китоби "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бosh тахририяти томонидан чоп этилди. Адиб "Мен сизга айтсам", "Журъат", "Беғуноқ севи", "Ҳаёт ва ўлим" сингари ўнга яқин китоблари билан китобхонлар оммасига яқин таниш. "Сайланма" туркумида чоп этилган ушбу иккинчи жилдга жамланган асарларида муаллиф инсон руҳияти манзараларини ёрқин ифодалаган. "Сайланма"нинг биринчи жилдига "Ҳаёт ва ўлим" романи ва бешта қиссаси киритилган. Роман юраги истиқлол туйғуси билан ёнган, юрт озодлиги йўлида курашган, аммо бу ёруғ кунларга етиб келолмаган боболаримиз ҳаёти ҳақида. Тўпلامдан жой олган қиссаларда тасвирланган воқеалар ҳам инсон қалбидини соҳир туйғулар билан ҳамоҳанг.

Ёзувчи "Сайланма"сининг иккинчи жилдидан "Бу дунёнинг ҳусусини" қиссаси ва бир неча ҳикоялар, ҳажвиялар ва сочмалар жой олган.

"Баҳор кунларида", "Кайфият" сингари ҳикояларда турмуш таъшишларини бир зумга бўлса-да четга суриб, ҳис-туйғуларига қулоқ тутган, болалик ўй-хаёллари билан ошно тутинган кўнгли кечинмалари тасвирланса, "Химоя кучи ва туни", "Елкадаги юк", "Ўқилмаган мактуб" асарлари қаҳрамонлари виждон азобида қийналган, қалб амрига қарши бориб, оқибатда изтиробга тушган одамлар тимсоли. Тўпلامдаги ҳажвиялар ҳам нозик кино ва серзавқ қочиримларга бой.

Муҳаббат тугёнлари тасвирланган ҳикоялар, беғубор кулгига йўғрилган бу ҳажвиялар халқона тилда ёзилгани билан ўқувчи эътиборини тортади. Турмушда рўй берадиган турли ҳодисалар, ҳаёт ҳақиқатлари, кўнгли кечинмалари асосида ёзилган сочмалар ҳам қисқа ва лўндалиги, ибратли хулосаси билан ўқийлидир.

Ёзувчи услубининг самимий ва раволиғи, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ҳаётлиғи билан мазкур китоб ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

В.ИБРОҲИМОВА



Алишер Навоий

"Шарқ" нашриётида чоп этилган китоб ажралаб туради. Бу нашрнинг бошқаларидан фарқи шундаки, биринчидан, ҳар бир дoston бошланишидан аввал китобнинг масъул муҳаррири В.Раҳмоновнинг ихчам мақолалари берилган бўлса, иккинчидан, ҳар бир дoston воқеаларига бағишланб чизилган мини-атюраларнинг киритилиши бошқа нашрларда учрамайди.

Муаллиф достонларни насрий баён қилиш жараёнида айрим шеърый матнларни аслича қолдиришни маъқул кўради. Айрим сўзларнинг луғатини илова қилади. Масалан, "Лайли ва Мажнун" дostonида Мажнуннинг Каъба зиёратига бориши ва у ердаги фарёди тасвирида қуйидаги мисралар шеърый тарзда қолдирилади:

Лайли ишқин танимда қон қил,
Лайли шаққин рағимда қон қил.
Дардини нажотим эт, Илоҳий!
Едини ҳаётим эт, Илоҳий!..

Алишер Навоий "Хамса" достонларининг асосий мазмуни сақланган ҳолдаги мазкур насрий баён умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда улуғ шоирнинг кўпсонли мухлислари учун "Хамса" асарини оsonроқ тушуниб, достонлар мазмунини теран англаб олишлари учун қулайликлар яратиши шубҳасиздир.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
Султон НОРМАМАТОВ,
филология фанлари номзодлари



Адҳам Дамин

Адҳам Даминнинг қисса, ҳикоялар, ҳажвия ва сочмаларидан таркиб толган янги китоби "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бosh тахририяти томонидан чоп этилди. Адиб "Мен сизга айтсам", "Журъат", "Беғуноқ севи", "Ҳаёт ва ўлим" сингари ўнга яқин китоблари билан китобхонлар оммасига яқин таниш. "Сайланма" туркумида чоп этилган ушбу иккинчи жилдга жамланган асарларида муаллиф инсон руҳияти манзараларини ёрқин ифодалаган. "Сайланма"нинг биринчи жилдига "Ҳаёт ва ўлим" романи ва бешта қиссаси киритилган. Роман юраги истиқлол туйғуси билан ёнган, юрт озодлиги йўлида курашган, аммо бу ёруғ кунларга етиб келолмаган боболаримиз ҳаёти ҳақида. Тўпلامдан жой олган қиссаларда тасвирланган воқеалар ҳам инсон қалбидини соҳир туйғулар билан ҳамоҳанг.

Ёзувчи "Сайланма"сининг иккинчи жилдидан "Бу дунёнинг ҳусусини" қиссаси ва бир неча ҳикоялар, ҳажвиялар ва сочмалар жой олган.

"Баҳор кунларида", "Кайфият" сингари ҳикояларда турмуш таъшишларини бир зумга бўлса-да четга суриб, ҳис-туйғуларига қулоқ тутган, болалик ўй-хаёллари билан ошно тутинган кўнгли кечинмалари тасвирланса, "Химоя кучи ва туни", "Елкадаги юк", "Ўқилмаган мактуб" асарлари қаҳрамонлари виждон азобида қийналган, қалб амрига қарши бориб, оқибатда изтиробга тушган одамлар тимсоли. Тўпلامдаги ҳажвиялар ҳам нозик кино ва серзавқ қочиримларга бой.

Муҳаббат тугёнлари тасвирланган ҳикоялар, беғубор кулгига йўғрилган бу ҳажвиялар халқона тилда ёзилгани билан ўқувчи эътиборини тортади. Турмушда рўй берадиган турли ҳодисалар, ҳаёт ҳақиқатлари, кўнгли кечинмалари асосида ёзилган сочмалар ҳам қисқа ва лўндалиги, ибратли хулосаси билан ўқийлидир.

Ёзувчи услубининг самимий ва раволиғи, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ҳаётлиғи билан мазкур китоб ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Журналларни varaқлаганда

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2016 йил сентябр сони

Журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида жаҳоннинг турли давлатлари, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ҳақида айтган фикр-мулоҳазалари берилган. "Муҳаррир минбари" руқидида Ш.Ризаевнинг "Эл-юртни ўйлаган инсон" сарлавҳали мақоласи ҳам Юртбошимиз, буюк давлат арбоби Ислам Каримов хотирасига бағишланган.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Бадоеъ ул-васат" девонидида "сенсиз" рафиди ғазал, унинг насрий баёни, мазмун-маъносини ҳамда русча, инглизча таржималари билан улуғ шоир ижодиётидан бериб келинаётган сабоқлар давом эттирилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Навоий ва Бойқаро" номли беш парда, ўн кўринишли тарихий драмасида Темурийлар салтанати пойтахти Ҳиротда кечган тарихий воқеалар, икки сирдош дўст, Шоир ва Шоҳ — Навоий ва Бойқаро ўртасидаги муносабатлар тасвирланган.

Таниқли тожик адиби Абдуғаффор Абдуҷабборовнинг "Сўнги қор" номли қиссасида ўтиш даврида жамиятда юзга келган ижтимоий-иқтисодий танглик, маънавият билан боғлиқ муаммолар, бунинг инсон онги ва қалбига кўрсатган таъсирлари ҳикоя қилинади. Асарни рус тилидан Амир Файзулла таржима қилган.

Нобел мукофоти совриндори, атоқли инглиз ёзувчиси ва драматурги Бернард Шоунинг "Қалблар парчаланадиган хонадон" пьесасида бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган оила билан боғлиқ муаммолар қаламга олинган. Асарни Муҳаммад Ҳайруллоев ўзбекчалаштирган.

Арманистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан арман адабиёти ва санъатида журналнинг ушбу сонидида кенг ўрин берилган. Жумладан, "Шеъринг минтақаларида" руқидида Наапет Кучак, Саят-Нова, Аветик Исаакян, Наири Зарян сингари машҳур арман шоирлари шеъриятидан намуналар эълон қилинган. Бу намуналарни А.Пардаев, М.Омон, Н.Абдуллаева таржималарида ўқийсиз. Атоқли арман адиби Грант Матевосяннинг "Бегона" номли қиссасида муаллиф оддий воқеадан гоётда муҳим ва теран маъно чиқариш санъатини намоён этган. Ушбу қисса таржмани Олим Отахон арман ёзувчиси ҳақида мухтасар мақоласини ҳам илова қилган.




Ҳаётимизнинг энг гўзал ва беғубор болалик палласи шунчалар қисқаки, бамисоли яшиндек чақнаб ўтади. Ҳатто унинг орзуларга тўла қанотларини маҳкамроқ ушлашга улгуролмай қоламиз. Аммо катта ёшда ҳам муррак қалб ҳайратини туйиш, мўъжизага бой дунёда сайру саёҳат қилиш мумкин. Қаҳрамонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳриддин НИШОНОВ ижодий фикримизга мисол. Актёр республика Ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатаётганига қирқ йилдан ошди. Шу йиллар ичида у жажжи мухлисларга завқ улашиб, турли характердаги қаҳрамонларни гавдалантирди, эртақлар оламида яшаб, беғуборлик ва самимийлигини сақлаб қолди.

— Кўп йиллардан буён болалар театрида эртақлар эгаларининг маънавий камолоти йўлида хизмат қияспиз. Яқинда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан тақдирланганимиз ҳам бежиз эмас. Илк бор бу хабарни эшитганда, кўнглингиздан қандай ўйлар кечди?

— Аввало, танлаган касбимдан фахрландим, кўксим гурурга тўлди. Қолаверса, бу унвон мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида, Биринчи Президентимизнинг Фармониغا асосан топирилиши мен учун катта шараф бўлди. Энг муҳими, тўғри йўлда эканимни ва шу йўлда давом этиш зарурлигини англадим.

лардан фарқли ўлароқ, болалар томошадан қоникмаётганини очик-ойдин намоёйиш этади. Фикрлари тўзғиб, тева-рак-атрофга қарашда ёки зерикканидан ўзаро суҳбатга ўтишди. Жилла курси, бир соатлик спектаклда ёш томошабин диққатини бир нуқтага қаратиш, тизгинсиз тасаввурини жияллаш, эртақлар муҳитига олиб кириш учун актёр доимо сергак бўлиши зарур.

— Машҳур француз адаби Антуан де Сент-Экзюпери “Кичкина шахзода” қиссасига шундай сўзбоши ёзади: “Бу китобчани катта ёшдаги одамга бағишлаганим учун болалардан кечирим сўрайман”. Дарҳақиқат, бир қарашда асар олисдаги митти сайёрадан ерга



Баҳриддин Нишонов

БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

Ушбу мукофот ижодимда янги саҳифа очди.

Театр — қисматим. Ундан айро яшолмайман. Айниқса, болалар театрида ишлаш, беғубор, ишонувчан нигоҳлар тафтини ҳис қилиш, боланинг қалби ва кўнглига йўл топиш — актёрнинг умрига умр қўшади десам, хато бўлмас. Биласизми, ҳар гал саҳнага чиқганимда диллим ёришади, болаларнинг қувноқ ва шодон кулгисини эшитганда, бутун ғуборларим таркаб кетади, руҳан енгил тортаман. Бу сеҳрли дунёда яшаш, мусаффо ҳароратдан завқланиш — чинакам бахт аслида.

Шундай кунларга етиб келишимда устозларимнинг хизмати катта, албатта. Институтда Тошхўжа Хўжаев, Назира Алиева, Арсен Исмоилов каби тажрибали мутахассислардан сабоқ олганман. Ёш томошабинлар театрига ишга келиб, актёрликнинг асл моҳиятини англадим. Қарим Хонкелдиев, Манзура Ҳамидова, Воҳид Қодиоров, Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева, Бадал Нурмухамедов каби санъаткорларнинг ҳар бири саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам чинакам устозимга айланади. Бугун Муҳаббат Йўлдошева табаррук тўқсон уч ёшга қарши олди. Тез-тез устозни йўқлаб, ҳолидан хабар олиб тураман. Нуроний ёшда бўлса-да, санъатга, театрга муносабати аввалгидек. Шунингдек, бугун театримиз фахрига айланган Ўзбекистон халқ артистлари Хайрулла Саъдиев, Лутфулла Саъдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Саъдуллаевалардан миннатдорман.

— Кичик ёшдаги томошабиннинг талабу истаги, қизиқиши, феъл-атворини дарҳол илғаб олиш осон эмас. Боланинг тийнати, вужуди шунчалар покки, қачон, қандай кайфиятда бўлишини сезиш қийин. Театрда ҳам бу жараён мурраккаб кечса керак...

— Биласизми, кичик мухлислар қўраётган томошасидан узил-кесил хулоса чиқаради. Ижрода озгина сох-талиқ, ёлғонни сезса, театрга ишончи сўнади. Касбимизнинг ноизиқлиги ҳам шунда. Айниқса, бугунги болалар жуда зийрак. Саҳнада бўрини кўрсатиш учун асосан ниқобини кийиб, зўрма-зўраки “увиллаш” ёки сиртдан ваҳо-хатли кўриниш етарли эмас. Фарбнинг виртуал мултипликарио уч ўлчамли картиналарга маҳлиё бўлиб улғайётган болалар бундай жўн томошаларга ишонмайди. Уларга ҳақиқий бўрининг хатти-ҳаракатлари, қиёфаси ва овози керак. Бу эса актёрдан жиддий изланишлари талаб қилади. Шу боисми, болалар театрида ишлаш осон эмас. Театримизда бир-икки рол ўйнаб, кейин бошқа театрга ўтиб кетганларни кўп кўрганман. Ёки тажрибали режиссёрлар ҳам болалар учун спектакл қўяётганда, муаммоларга дуч келганига гувоҳман. Яна бир жиҳати, катта-

учиб келган болакайнинг саргузаштлари ҳақида, воқеалар оддий, равои тилда баён этилган. Бироқ чуқурроқ назар ташласангиз, ёзувчи ўзи иқдор бўлганидек, катталарга хос фалсафани акс эттиргани, умуминсониятга дахлдор ижтимоий мавзулардан баҳс очгани аён бўлади. Наздимизда, бу ҳодиса театрда ҳам бегона эмас.

— Шундай бўлиши ҳам керак. Ёш томошабинлар театри, деган номни эшитибок бу ерда фақат болалар ёки ўсмирлар учун спектакл қўйиларкан, деган хулосага келмаслик керак. Айтайлик, табиати асраб-авайлаш, ноёб ўсимлигу ҳайвонларни муҳофаза қилиш масаласига доир асар нега энди фақат болаларга тегишли бўлади? Ахир, аввало ўзимиз ўрناк бўлмасак, улардан талаб қилишга ҳаддимиз сизадими!

Бир вақтлар театримизда режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезиб чиққан “Боз, масҳарабоз”, “Турна патлари” каби спектакллари эсланг. Мазкур саҳна асарларида жиддий гоғлар муҳассам бўлгани боис жаҳон маданий жамоатчилиги олқиш-ни олиб, нуфузли совринларни қўлга киритган.

Театримизда жаҳоний адиб Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаси саҳналаштирилган кунни ҳануз ҳаяжон билан эслаб юраман. Спектакл тақдиротиға шахсан Айтматовнинг ўзи ташриф буюриб, кўпчилик қатори мени ҳам таъбирлаган, келгуси фаолиятимга оқ йўл тилаган эди. “Оқ кема” зоҳиран биргина боланинг мунгли кечмиши, дард-изтироби, ўй-хаёлоти ҳақидаги асар. Лекин тағматларида бутун инсониятни ўйғотиб юбрувчи — эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва бадбинлик, инсон ва табиат, зулм ва шафқат каби мавзулар муҳассам.

Ақсарият ҳолатларда кичик томошабинлар театримизга устози, ота-онаси ёки ака-опаси билан келади. Демак, бола баҳона катталар ҳам спектаклни томоша қилади, бир лаҳза бўлса-да, болагини эслайди. Инсон қай ёшга бормасин, эзгулик, гўзаллик ҳақидаги қарашлар ўзгармайди, орзу ва хаёл ҳисси бегоналашиб кетмайди.

— Афсуски, кейинги йилларда болалар учун асар ёзадиган драматурглар сафи анча сийрақлашиб қолди. Натижада, бу йўналишдаги театрлар репертуарида танқислик юзга келаётти. Вазиятдан чиқишнинг ягона йўли — эртақ ва достонларга мурожаат қилиш ёкин аввал шуҳрат қозонган асарларни қайта саҳналаштириш экани кундек равшан. Сизнингча, айна жараён болалар театрларининг адабий манбага бўлган эҳтиёжини тўла қондириши мумкинми?

— Агар масалага бундай ёндашсак, болалар драматургиясининг маданий

ҳаётдаги ўрнига жиддий қарамаган бўламиз. Ваҳоланки, театр мавжуд экан, доимо драматургияга эҳтиёж сезади. Бугун репертуаримиздан ўзбек ва жаҳон эртақлари асосида саҳналаштирилган “Зумрад ва Қиммат”, “Ур, тўқмоқ” (ўзбек халқ эртақлари), “Сеҳрли дур” (хитой халқ эртағи), “Қор маликаси”, “Менинг ўрдақчам”, “Оппоғой ва етти миттвой” (Г.Х.Андерсен), “Қизил қалпоқча” (Е.Шварц), “Пинокионинг саргузаштлари” (К.Гольдони) каби саҳна асарлари ўрин олган. Шунингдек, авваллари театримизда муваффақият билан саҳнага қўйилган “Шум бола” (Ф.Фуллон), “Қовоқвой ва Чаноквой” (П.Мўмин), “Мушук ила сичқон” (Хислат) спектакллари янги саҳнавий талқинда намоёйиш этдик. Эҳтимол, шу тахлит давом этаверсак, ҳаммаси росладогидек бўлар. Бироқ мавжуд муаммолардан кўз юмиб бўлмайди.

Болаларбоп асарларнинг кам яратилаётганига келсак, назаримда, драматургларнинг театр билан ҳамкорлиги анча суст кечаётти. Кўпчилик қалам-кашлар театр ижодий муҳити билан танишмай туриб, асар ёзмақчи бўлишадди. Натижада, ҳақиқий драматургия талабларига жавоб бермайдиган, умри қисқа, қуруқ диалогу суҳбатдан иборат “песалар” дунёга келади. Ваҳоланки, росмана драматик асар театрда туғилиб, репетициялар вақти қиёмига етиб, режиссёр талқини, актёрлар ижросида бойиб, саҳна юзини қўради.

Болалар учун асар ёзаётган драматург, аввало, боланинг табиати, руҳиятини ҳис қилиши, унинг беғубор дунёсига ошно тутиниши, ижод вақти хаёл уммонида эркин сузиб, ҳайратомуз мўъжизалар, афсонау эртақларга ишониши лозим. Шунда асарнинг қозога тушиш жараёни осон кечади ва актёр ҳам бутун вужуди билан образга шўнғийди.

— Кино ва дубляжда ҳам фаол ижод қияспиз. Театрда тобланган актёр учун бу икки санъат аниглик эмас. Экран ва экран ортидаги ижод сизга қанчалик завқ беради?

— Театрда ҳамиша кенг ва эркин маконни ҳис қиласан, гўё атрофингда ҳеч қандай чегарага сарҳад йўқ, истаганча қулиб-йигласанг ҳам ҳеч ким айбламайди. Кинода бу эркинлик муайян маънода чекланади. Рўпарангда тўртбурчак камера, нима дардинг бўлса, шунга “гапир”, ортиқча изҳорларга ўрин йўқ. Дубляж — мутлақ бошқа дунё. Энди бировнинг қиёфаси, саҳиясида овозинг яшайди холос, “чертиб-чертиб” сўзлашга мажбурсан. Айтмоқчиманки, актёр ўзининг янги қирраларини кашф этиши учун барча санъатларда яшаб қўриши зарур.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ
суҳбатлашди

КОНСЕРВАТОРИЯ ЗАЛЛАРИДА

Айниқса, “Ниҳол” мукофоти совриндори, республика ва халқаро қўрик-танловлар ғолиби, опера хонандаси Барно Исмаилованинг жаҳон опереталарида қўйилган қўшиқлари, “Ифтихор” ашуласи тингловчиларга манзур бўлди.

Қизқарли концерт дастурини тайёрлашда оркестрнинг бадий раҳбари ва бош дирижёри Дилшод Муталовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Н. МАМАТҚУЛОВА, З. МАТЕҚУБОВА

Консерваториянинг катта залида музика театр-студияси оркестрининг концерти бўлиб ўтди. Студия бадий раҳбари ва бош дирижёри Ғайрат Аббасовнинг саъй-ҳаракати билан дастурдан жаҳон ва

ўзбек композиторларининг ранг-баранг музика асарлари ўрин олган.

Жумладан, С.Юдаковнинг “Алёр” вокал сюитаси, А.Бородиннинг “Князь Игорь” операсидан “Половец рақслари”, А.Хачатурянининг “Спартак” балетидан парчалар ҳамда Ф.Листнинг фортепиано ва оркестр учун иккинчи концерти ижро этилди. Концертда республика ва халқаро қўрик-танловлар совриндорлари Эгамберди Турсунов (вокал), Иноятхон Абдуллаева (фортепиано), музика театр-студиясида консерватория талабалари хор жамоалари қатнашди. Хор жамоаларини профессор Любовь Жумаева, доцентлар Юлдуз Ҳусниятдинова ва Севара Қодирова тайёрлади.

Мадина АҲМАДАЛИЕВА

МУМТОЗ НАВОЛАР СЕҲРИ

Куй-қўшиқ инсоннинг доимий ҳамроҳи. Шундай куй-қўшиқлар борки, улар бир эмас, минглаб, миллионлаб қалбларга малҳам бўлади. Айниқса, мумтоз наво-лар. Бундай қўшиқларни қўйлаш ва элга манзур қилиш эса фақат чинакам истеъдод соҳибларигагина насиб этади.

Миллий музика санъатимизнинг йирик вакили, хонанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофиз Орифхон Ҳотамов ана шундай санъаткорлардан эди. Ширадор ва кучли овоз соҳиби бўлган ҳофиз репертуаридан мақом йўллари, катта ашула, ўзбек мумтоз ва замонавий шо-ирлари ғазалларига басталанган асарлар ўрин олган. Устоз ижросидаги “Найлайин”, “Қоши ёсинму дейин”, “Қора бўлибдур”, “Сенсан севарим”, “Ёр ўтди”, “Оҳиста-оҳиста”, “Субҳидам”, “Ватандир”, “Холими сўраурсан”, “Пайдо бўлибдур” каби юз-дан ортиқ ашулалар қўшиқ санъатимизнинг олтин фондидан жой олган.

О.Ҳотамовнинг ижро услуби, хонанда ва созандалик

Бекназар ДЎСТМУРОДОВ,
Ўзбекистон халқ ҳофизини,
ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Орифхон Ҳотамов — беназир ҳофиз. Бундай улуғ санъаткорларни хотирлаш, ижодини эъозлаш ҳаммамизнинг бурчимиз. Мазкур танловнинг аҳамияти шундаки, устознинг ашуласини айтиб катта санъат йўлига қадам қўяётган ёш истеъдодлар ҳофизнинг ўзини танимайди. Биз устоз санъаткорларни танитишимиз, уларнинг хонандалик, созандалик маҳоратини ўргатишимиз шарт. Ҳозир ёшлар ўртасида миллий мумтоз санъатимизга эътибор пайдо бўлгани бизни хурсанд қилади. Зеро, ёшлар орасида мумтоз ашулаларга қизиқишнинг ортиши ёш тингловчиларнинг ҳам қўпайишига хизмат қилади.

Танлов

Танловда қорақалпоқ хонандаси “Сенсан севарим” ашуласини айтгани, олис сурхондарёлик ёш ижрочи иккинчи ўринни эгаллагани, айниқса, ўзига хос услубда қўйловчи Хоразм вақилининг Орифхон ҳофиз ашуласини маҳорат билан ижро қилгани миллий музикамиз дурдоналари авлоддан-авлодга бутун сеҳру жозибаси билан етиб бораётганидан дарак бериб турибди. Орифхон Ҳотамов сингари етук устозлар кўп. Демак, бу каби танловларни тез-тез ўтказиб туришимиз керак.

Танловда қорақалпоқ хонандаси “Сенсан севарим” ашуласини айтгани, олис сурхондарёлик ёш ижрочи иккинчи ўринни эгаллагани, айниқса, ўзига хос услубда қўйловчи Хоразм вақилининг Орифхон ҳофиз ашуласини маҳорат билан ижро қилгани миллий музикамиз дурдоналари авлоддан-авлодга бутун сеҳру жозибаси билан етиб бораётганидан дарак бериб турибди. Орифхон Ҳотамов сингари етук устозлар кўп. Демак, бу каби танловларни тез-тез ўтказиб туришимиз керак.

— Танловда Миршод Элов билан ҳамнафасликда қўйладик. Ҳар бири

Россини карнавал учун махсус ёзган қўшиқни қўйлашган.

Россинининг “Севилья сартароши” операси дастлаб “Альмавива ёки ортиқча эҳтиёткорлик” деб номланганини кўпчилик музика ихлосмандлари билмас керак. Опера премьерасидан сўнг, одатга кўра, композитор хонандонида дўстлари тўпланишади. Хурсандчилик авжидида дўстларидан бири шундай савол бериб қолади:

— Жоакино, шундай ажайиб операни нега иккинчи даражали персонаж номи билан атадинг?

— Қанақасига иккинчи даражали? — ажабландай Россини.

МАШҲУР БАСТАКОРЛАР ҲАЁТИДАН

рқили равишда, Австрияни яхши кўраман. Сиз учун зўр харбий марш ёздам. Уни харбий оркестр чалиши учун сизга бераман”.

Хуллас, композитор генералга нотани бериб, ўрнига рухсатнома олади. Эртаси кун маршини ўрганган оркестр Болонье майдониди уни ижро этади. Ваҳоланки, бу ўша, қайта аранжировка қилинган инқилобий қўшиқ эди. Таниш оҳанглари эшитган болоньяликлар хайратга тушиб, қўшилиб қўйлаб бошлайдилар. Шунда генералнинг қанчалик ғазабланганини кўз олдингизга келтиринг. Композитор эса, бу пайтда аллақачон шахардан чиқиб улгурганди.

Бир куни Римда ўтаётган карнавалда дайди музикачилар гуруҳи одамлар диққатини тартади. Айниқса, но-табий семиз эркек ва ниҳоятда озгин аёлдан иборат жуфтлик ахралаиб турарди. Улар гитарани қўйилмақом қилишар, ҳамроҳлари эса қувноқ қўйлашарди.

Одамлар ҳайрон: дайди музикачилар қандай қилиб шундай маҳорат билан қўшиқ айтаяпти! Бироқ ўшанда ҳеч ким ўзини ёстиқ билан катталаштирган Жоакино Россини, аёклар либосидаги музикачи эса Ниқоло Паганини эканини билмаган. Дўстлар

санъати, айниқса, ҳамнафасликдаги овозининг равонлиги санъат оламга қадам қўяётган ёшларга катта мактаб бўлиши шубҳасиз. Шунинг назарда тутиб, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази устоз ҳофиз ижодига бағишлаб қўрик-танлов ўтказди. Миллий телерадиокомпания, халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва консерватория ҳамкорлигида ўтказилган танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ўтган саралаш босқичи ғолиблари қатнашди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Миршод Элов ва Зоҳид Мамадалиев (Тошкент шаҳри) биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга Чорибек Йўлдошев (Сурхондарё) ва Дилшода Носирова (Қашқадарё) сазовор бўлди. Умид Бекжонов (Қорақалпоғистон), Шаҳроз Азизов ва Садриддин Мўминжонов (Қашқадарё), Самандар Собиров ва Собит Дилмуродов (Тошкент) учинчи ўринга муносиб топилиди.

юқори ўринга муносиб бўлган қатнашчилар орасида ғолибликни қўлга киритганимиздан хурсандимиз. Орифхон Ҳотамов ашулалари халқчилиги, ижронинг мукамаллиги, тингловчи-га таъсири кучлилиги билан бизга жуда ёқади. Айниқса, ҳофизнинг Ҳакимжон Файзиев билан ҳамнафасликдаги ижролари мароқ билан тинглаймиз. Уларнинг ҳамнафасликда қўйилган ашулалари шу йўналишдаги энг яхши ижро дейиш мумкин. Яна шуниси ҳам борки, Орифхон Ҳотамов ашулалари халқ орасида, мумтоз ашула қўйловчилари орасида энг кўп тарқалган. Нафақат хонанда, балки созанда ва бастакор сифатида ҳам устоз ҳофизнинг ижоди ҳаммамиз учун бениҳоя қадрли.

Г.УМАРОВА

ТАСВИРИЙ САНЪАТИМИЗ ДАРФАСИ


Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков замонавий ўзбек тасвирий санъатининг, бемалол айтиш мумкинки, жаҳон санъатининг ёрқин намоёндаларидан бири. Бу санъаткорнинг бетакрор асарлари жаҳон санъатининг олтин фондига кирган, десак ҳеч бир муболага қилмаган бўламиз.

Истеъдодли ижодкорнинг “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий”, “Қўшиқ”, “Олис болалик”, “Менинг дўстим”, “Булук” каби қатор ишларидаёқ рассомнинг ижодий “мен”и шакланганди. Кейинчалик дунёга келган “Инсон заковати”, “Мен-инсоним” асарлари

Ўзбекистон тасвирий санъатида воқеликка айланди. Ўтган

асрнинг 90-йилларига келиб рассом ижодида кескин бўрилиш юз берди. Ў ёркин-кинояли, кишилар ички дунёсини, кайфиятини очиб берувчи, шунингдек истеъдодли усулида полотнолар ярата бошлади.

Севимли мавзуси, болалиги ўтган Эски шаҳарга бағишланган ишлари Ж.Умарбеков ижодида алоҳида ўрин тутди. Ушбу суратларнинг барча жонли ва жонсиз қаҳрамонлари парвоз қилади. Мазкур туркум нафақат



мажозийлиги, балки аждодлар хотирасини ёдда сақлаш, маънавий аъаналарни авлодларга етказиш жиҳатидан ҳам катта аҳамият касб этади. Устоз мусаввир ҳамиша ижодий изланишда, тажрибалар қилишда давом этмоқда. Ж.Умарбеков ҳаёти ва фаолияти давомида ўз услуби, йўли ва қиёфасига эга бўлди. Бугунги кунда қўлаб ёш истеъдодлар унинг изидан дадил одимламоқдалар.

Устоз мусаввирнинг 70 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида очилган шахсий кўргазмага очилишда ҳам Жавлон Умарбековнинг ижодий фаолияти ҳамда инсоний фазилатлари ҳақида самимий фикрлар билдирди.

Бир ой давомида намоёйиш этиладиган кўргазмага келаятганлар рассомнинг турли даврларда ва турли жанрларда яратилган бетакрор асарларидан баҳраманд бўлимоқдалар.

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида Халқ чолгулари академик оркестрининг концерт дастури бўлиб ўтди. Музикашўнос Моҳина Аббасова олиб борган концертда миллий куйларимиз билан бир қаторда жаҳон музикасининг дурдона асарлари, кинофилмларга басталанган куйлар янгради.

Моҳир созанда Шухрат Толипов қўбуз-басда Асатор Пиатсолонинг “Oblivion” асарини, республика қўрик-танлов совриндорлари Ойбек Уматов дуторида “Қўштор”, Шохрух Абдуллаев қашқар рубобида машҳур куйларни маромига етказиб ижро этилди. “Ягонасан, муқаллас ватан” қўрик-танлови совриндори Нодира Мансурова “Устозлар” ва “Ёшлигим” қўшиқларини устоз ва мураббийларга тортиқ қилди. Шунингдек, концертда ёш композитор Камолдидин Азимовнинг халқ чолгулари оркестри учун ёзган “Этироф” увертюраси илк бор янгради.



Мусаввир инсоният бошига кўп ба-
лою офатлари солган, XX асрнинг
энг каттол ва қирғинбарот муҳораба-
си бўлмиш Иккинчи жаҳон урушида
қозонилган Галабадан бир йил кейин
туғилган. Уруш Ер юзидagi бани ба-
шар ҳаётидан кўп рангу ифторларни
кеткизиб бўлган, миллён-миллён гул-
чечаклар жувонмарг қилинган эди.
Ҳаётга файзу тароват, турмушга,
одамзод дунёсига кўп-кўп ранглар,
гуллар ва яна гуллар керак эди.



"Жавлон" исмига қайси тарафдан
қарасангиз ҳам, даштданми ёки қи-
рдан келасизми, барибир, турфа гул-
чечаклардан тузилган анвои гулда-
стадай бир сўз, кўнглингизни дафъ-
атан ёритиб юборгувчи жозибали бир
калом қофияга биринчи талабгор
бўлиб, чарх уриб чараклаб чиқиб ке-
лаверади: "Алвон". "Алвон" — арабча
сўз, кўпликда "ранглар" маъносини
берида, бирликда "лаван", яъни "ранг"
таърифида ишлатилади.

Мусаввир 1946 йилнинг 17 июн
кўни осмон юлдузларининг жавзо
буржи остида, шу алвон дунёда жа-
влон уриб кетмоқ учун дунёга келган.
Бироқ у пайтлар урушдан кейинги
дунёнинг туси хира ва нурсиз, ранги
эса оқ-қора эди.

Унинг қулোগа ой билан юлдуз азон
айтган бўлса ажабмас.

Устоз Абдулла Ориповнинг "Рухим"
шеърйи китоби ва унга расом Жа-
влон Умарбеков чизган оқ-қора ранг-
даги суратлар... 1971 йил, расом

ОНА ТИЛИ — МИЛЛАТ РУҲИ


Республикаимизнинг барча умумтаълим
мактабларида октябр ойида она тили ва
адабиёт фани ойлгини ўтказиш аняна-
га айланди. Бу бежиз эмас. Ушбу ойда она
тилимизга Давлат тили мақоми берилган-
лигининг 27 йиллик санаси мамлакатимиз
миксидида кенг нишонланди. Она тили ва
адабиёт фани ойлги аша шу қутлуғ тан-
таналарга улашиб кетди. Шу муносабат би-
лан ўтказилган тадбирлар ўқувчи-ёшлар
қалбиди она тилимизга муҳаббат туйғула-
рини тарбиялашда, уларнинг маънавияти-
ни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб
этди.

Олмазор туманидаги 111-умумтаълим
мактабидида фан ойлги якунига бағишлан-
ган "Она тили — миллатнинг руҳи" мав-
зуда адабий анжуман бўлиб ўтди. Унда
Тошкент шаҳридаги барча умумтаълим
мактабларининг она тили ва адабиёт
фани методик бirlашмалари раҳбарла-
ри, ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фа-
оллари ва иқтидорли ўқувчилар иштирок
этдилар.

Истеъдодли шоирлар Адиба Умирова,
Наргиза Асадова давлатимизда тил ҳақида-
ги қўнунинг аҳамияти, она тилининг ривож-
ланиш омиллари, тил бойлигини сақлаш,
муомала ва сўзлашиш одоби ҳақида гапи-
рдилар. Она тилига бағишланган шеърлари-
ни ўқидилар.
— Шоирлар она тилини гўзал ташбе-

ЖОЗИБ ЖУНУНЛАР

Машҳур шоирнинг "Юлдузларни ҳар оқшом осмонда
кимдир ёқиб қўяр экан, демек, улар кимгадир керак
экан-да, демек, улар бежиз ёқилмас экан-да", деган
машҳур сатрлари бор. "Одамлар бор, юлдузлар
юлдузлар қадар йироқ", дейди устоз шоиримиз.
"Толе юлдузи", "юлдузинг сўнмасин", "юлдузинг
ўчмасин" деган иборалар ҳам ўзимизнинг оддий
ўзбекона гаплар. Уларнинг замирида инсон умри,
бахту толеи, тақдири ва ҳаёти мужассам.



ўшанда 25 ёшда бўлган.

Ҳозирги замон тили билан айтган-
да, китобнинг дизайни жуда кўркам,
асосий муқовасидан ташқари, жилд
муқова билан ҳам қопланган, қалин ва
қиммат қорозда босилган шеърларга,
ҳар иккала муқовага чизилган сурат-
лар жуда жойига тушган.

Ҳозир ҳам "Она сайёра" шеърига
чизилган суратни алоҳида олинг-да,
бугунги дунёнинг авзойига, урушлар-
дан безиб беҳонумон бўлган, олам
арасида сарсон саргардон юрган
лак-лак одам болаларининг хору зор
аҳволига муқояса қилинг: гўё ҳеч қанча
вақт ўтмагандай, дунё ўзгармагандай,
бани башар ўша-ўша, меҳру мурув-
ватга, тинчлик-осудаликка муҳтожли-
гича оддий инсоний бахту содатига
ҳам эришолмай Ер сайёраси билан
чинқириб, фарёд солиб йўқликка —
адам мулкига қараб кетаётгандай...

Жаҳолат дунёни жаҳаннамга элти-
шини биз уруш оловидан хонавайрон
бўлаётган минтақалар мисолида
кўриб турибмиз. Дунёни ҳам, одам-
зодни ҳам фақат маърифат қутқара-
ди. Адабиёт, санъат уни эзгуликка,
юксак инсонийлик манзилига олиб
боради. Буюк Шахснинг, Матонатли
Йўлбошчининг "Жаҳолатга
қарши маърифат" деган буюк ҳик-
мати ҳам айнан бир ҳалқнинг эмас,
бутун бани башар авлодининг тақ-
дирини ўйлаб айтилгани билан
қадрли.

Расомлар, адибларни дунё жа-
ҳолатига қарши ўз қалами, мўйқа-
лами билан муҳораба олиб бора-
ётган аскарларга қиёсламоқ мум-
кин. "Бир кун бир алвон замон
келади", деганди Муҳаммад
Юсуф умумбашарий тирикликнинг,
тинчлик-тотувликнинг рангларига
ишора қилиб.

Мусаввир шу ранглар учун яшай-
ди. Одамлар ҳаётида ранглар, жи-
лоларнинг кўпаймоғи учун ранжу
заҳмат тартади, изтироб чекади.
Ранглар уни дунёга танитади, шу
ранглар боис у ўзини дунёга, одам-
зодга дахлдор деб билади.

Маълумки, ўз замонасининг маш-
ҳур мусаввири, Шарқ тасвирий санъ-
атининг йирик намояндаси Камолид-
дин Бехзод Алишер Навоий, Султон
Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбо-
нийхон, Абдурахмон Жомий, Абдулло
Ҳотийф (Абдурахмон Жомийнинг жи-
яни, "Темурнома" асарининг муалли-

фи), шоҳ Исмоил сингари буюк за-
мондошларининг портретларини чиз-
ган. Ушбу асарларда улуг расом ўзи-
нинг нозик диди билан бетакрор
санъатини бор назокатю юксак ма-
ҳорати билан тасвирлай олганини
адабий-тарихий манбалар эътироф
этади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур
ўша даврга таъриф бераркан, "Бобур-
нома" асарида, жумладан шундай
ёзади: "Султон Ҳусайн Мирзонинг за-

Кўнгул минтақаси

мони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва
беназир элдин Хуросон, батахсис
Ҳирӣ шаҳри мамлу эди. Ҳар киши-
нинг ким бир ишга машғуллиги бор
эди, ҳиммати ва гарази ул эди ким,
ул ишни қамолга теғургай".

Камолиддин Бехзод ана шундай
мунаввар муҳитда ижод қилиб, обрў-
эътибор қозонган, хусусан, Султон
Ҳусайн Бойқаронинг вазири Мир Али-
шер Навоийнинг меҳри ва ҳимийли-
гига сазовор бўлган баркамол ижод-
кор эди.



Зайниддин Восифий "Бадоеъ ул-
вақоеъ" асарида Камолиддин Бехзод
мўйқаламига мансуб Алишер Навоий-
нинг яна бир портрети ҳақида сўз
юритадики, ушбу сурат бизга қадар
сақланиб қолгани билан ҳам қадрли-
ди. Суратда улуг шоир гулу чечак-
лар ва майсаларга бурканган бог ичи-
да асога таяниб турибди. Атрофдаги
дараклар шохиди ҳар турли қушлар
тасвирланган. Ҳазратнинг пойи олди-

да сийму зарга тўла лаганлар қўйил-
ган. Нафис мажлислардан бирида
устоз Бехзод ушбу суратни эгасига
тақдим этаркан, уни кўриб Навоий
бобомиз астойдил ҳаяжонга тушади.
Даврада ҳозир бўлганлар ҳам асар
ҳақида ўз фикрларини билдиришади.

Шу ҳолат хусусида Зайниддин Во-
сифий ҳикоя қилади:

Мир Алишер зарофат қилиб бундоқ
дедилар:

— Азизлар яхши гапларни айтиш-
ди. Агар Мавлоно Бурхоннинг дағал
сўзлари бўлмаганида эди, ушбу су-
ратдаги лаганлар тўла зарларни бо-
шингиздан сочман, деб ният қилиб
турувдим.

Шундан сўнг Мир Алишер Камолид-
дин Бехзодга зарбоф тўн ёпиб, яна
уни эгарланган от билан ҳам сийлаб,
қолганларга ҳам қимматбахо сарпо-
лар кийдириди...

Одамнинг хаёли қизиқ-да. Хаёли-
нинг изми ўзида, хаёлга ундай қил,
бундай қил, деб бўлмайди. Сурат-
ларни томоша қилаётиб, баъзан
кўнгулдан шундай хаёлий манзара
кечади: Салкам, беш юз йил кейин
чизилган, XX асрнинг ёш расоми
ўзгача меҳру муҳаббат билан та-
свирлаган "Ҳусайн Бойқаро ва Али-
шер Навоийнинг ўсмирлиги" асари-
ни мабодо Навоий ҳазратлари
қўрганларида қандай ҳолатга ту-
шардилар?... Бошқасини билмади-
му Жавлон ақамизга улуг бобомиз-
нинг "Мажолис ул-нафоис" — "На-
фис мажлислар" асарида, ул зот-
нинг муборак назарлари тушган
фазл аҳли қаторидан муносиб жой
шак-шубҳасиз тайин эди.

"Лалми далалар" — ранглар би-
лан қизғиш соғинч ястаниб ётган,
ундан уфқларга, самога узаниб кет-
ган оловранг, офтобранг манзара
миксидидаги кўнгулни эслатади.
Инсон кўнгли ҳам меҳрга ташна
бўлса, меҳр кўрсатолмаса агар, шу
лалми, сувсирган далаларга қиёс-
лаш мумкин.

"Оилавий тамға"ни аввалига Аф-
росиёбдани, қадимий Бақтрияданми
топилган қўнча туғро деб ўйлайсиз.
Далварзинтепадан топилган, эра-
миздан аввалги I асрга тааллуқли
Қўшон шаҳзодасининг боши — мусав-
вир асарларининг икитасида, икки
асарда икки ўринда ишлатилади.
1986 йилда яратилган "Ой натормор-
ти" — мангу тарих, мангу тамаддуннинг

абадий фарёдиға ўхшайди. Бу-
тун тарих, қўнча ва қадимий ма-
даният чинқириб, емирилиб ке-
таётгандай. Асарда гарчи му-
аллақ сукунат устунлик қилса-
да, у асрлар қаъридан узлук-
сиз ва бардавом янграб кела-
ётган бонг янглиғ таассурот
қолдиради.

Расомнинг "Қўшон шаҳзо-
даси билан автопортрет" аса-
ри эса 1988 йилда чизилган.
Мусаввирнинг мунгли қиёфа-
си шаҳзоданинг асрлар губо-
ри эскиртирган нурсиз, хира
авзойи билан олдинма-кетин
турган бўлса-да, замонавий
ва қадимий бу икки сиймо
бир-бирига қарама-қарши
қўйилгандай, гўё Қўшон шаҳ-
зодаси фақат ўз бошини ас-
раб келгану, одамзод билан
унинг тамаддунини сақлаб
қолиш ташвиши ва масъули-
яти бугунги инсон болаларининг
зиммасида эканлиги бор изтиробию
қайғуси билан мукамал ифодаси-
ни топгани — кишини ўйга толди-
ради, қайғуга солади.



вор гурур ва ориятта тўлдириб юбо-
ради. Шу асно дунёнинг бутун қуд-
ратию ваҳшати қурол-ярғоқ билан
қирғинбарот урушларда эмас, бал-
ки адолатда, буюк халоскор куч адо-
латда эканини яна бир бор юрак-
юракдан англаб етасиз.

Шу ўринда алоҳида-алоҳида асар
сифатида чизилган "Соҳибқирон Амир
Темур" портрети, Темурийода султон
"Заҳириддин Муҳаммад Бобур" сура-
тини ҳам расомнинг аҳдодлар мав-
зусидаги етук асарлари қаторида
қайд этиб ўтмоқ жоиз.

Жавлон ака жаҳонгашта мусаввир.
Европаю Осиё, Фарбу Шарқ — ўзи
боролмаган шаҳу кентларга асар-
лари етиб борган. Ўзи кезмаган
манзилу маконларни суратлари ке-
зиб чиққан. Ўсмирлик, ёшлик пайти
ўзи қўришни орзу-ҳавас қилган, жа-
ҳоннинг машҳур музейлари ва
қўрғазмаларида бугун унинг асарла-
ри Ўзбекистон бўлиб, она диёримиз-
нинг нури, рангин тимсоллари
бўлиб, муносиб жой эгаллаб туриб-
ди. Америка — сеҳрли диёр, бутун
дабдабасию асасаси, осмонўпар
биноларию кишиларининг ясама ил-
тифотлари билан мусаввирни жалб
этомлаганини тушуниш мумкин,
аммо Бухорони ёки Хивадаги бо-
бомерос аравалар қалбини туғенга
келтиради, меҳру соғинчларига гала-
ён солади. Шу боис кетаётган, юриб
бораётган аравалар унинг хаёли-та-
саввурда "Учаётган аравалар"
бўлиб қўринади. "Аравалар юриб ке-
таётгани рост, — дейди расом. —
Аммо мен нима учундир, "Учаётган
аравалар" деб ном қўйгим келди..."
Бунинг иккинчи номи — меҳр ва со-
ғинч, элу юрт, ёру диёрнинг меҳру
соғинчи дейилса керак.
Оилапарвар, меҳрпарвар мусаввир
Жавлон Умарбеков ўз фарзандлари,
оиласи, она шаҳри билан Ватанини
шундай яхши кўради, қадрлайди,
эъозлайди.

С.МУҲАММАДСАЙИД

ЁНАЁТГАН ҲАЗОН — БАРЧАГА ЗИЁН

ОҒОҲЛИК

Юртимизда тўқинлик фасли — куз ўзининг бор
ғўзаллиги билан кишини ҳайратта солмоқда. Ҳаде-
май ҳазонрезги бошланади. Бу паллада айрим жой-
ларда тўшланган хазон барглари ёқиб қолганла-
ри кўпайди.

Маълумотларга кўра, бир тонна хазон ёқи-
лишида атмосферага ўттиз килограмм углерод
оксиди чиқади. Бундан ташқари, тўтун таркибида
инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъ-
сир кўрсатувчи бошқа захарли моддалар мавжуд.
Уларнинг ҳавога тарқалиши инсон танасида ал-
лергик, ҳаттоки сил ва саратон каби оғир хаста-

ликларни кўзатишга сабаб бўлади. Ёнаётган ха-
зондан тарқалган ўт бошқа жойларга — аҳоли яшаш
ҳудудлари, таълим масканлари, далалардаги ҳосил-
га ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

Шу боис, ёнган хавфсизлиги хизмати ходи-
млари жойларда бўлиб, кенг қўламли тарғибот иш-
лари олиб боришмоқда. Сирасини айтганда, оғоҳ
бўлсак, ўзимизни эҳтиёт туссак, атроф-муҳитга бе-
парво бўлмасак, жамиятга катта наф келтирган
бўлаемиз.

Феруз ЭРМАТОВ,
12-ҲЕҲО инспектори, капитан.

МУҲИМ АМАЛИЁТ

Инсон ҳаётига таҳдид солув-
чи офатлардан бири ёнғиндир.
Айнан шу офат туфайли дунё
бўйлаб қанчадан-қанча одамлар
бошпанасиз қолади, соғлигидан
ажралади. Нафақат турар жой
биноларида, балки ишлаб чиқа-
риш корхоналари, ташкилотлар
ва транспорт воситаларида ҳам
содир бўлаётган ёнғинлар эҳти-
содийета катта зарар етказди.
Электр симларининг қисқа ту-
ташуви, транспорт салониди
қўзда тутилмаган янгиликларни
амалга оширишга уриниш,
шунингдек ёнғин-мойлаш ма-
териалларидан фойдаланишда-
ги жиддий хатолар транспорт
воситалари билан боғлиқ ёнғин-
ларга сабаб бўлмоқда. Ёнғин би-
лан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг

олдини олиш борасидаги про-
филактика жараёнида турар
жойлар, саноат ва савдо, мада-
ний-маиший хизмат кўрсатиш
шохобчаларида ёнғин хавфсиз-
лиги қоидалари амалиёти муҳим
аҳамиятга эга.

Тошкент шаҳар ИИББ
ЁХБнинг Меъёрий-техник экс-
пертиза бўлими ҳамда қуйи меъ-
ёрий-техник экспертиза йўнали-
шидаги ходимлар шаҳарсоз бу-
нёдкорларга яқиндан қўмақлаш-
ган ҳолда барча қурилиш-лойи-
ҳалаш ишларида фаол иштирок
этишмоқда. Соҳа ходимлари то-
монидан лойиҳалаш даврида
ёнғин хавфсизлиги қоидаларига

Б.ШОРАҲИМОВ,
С.РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Ёнғинга қарши кураш хизмати
инспекторлари

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ
ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожидадин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Жўрабек ЖАҲОН
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.30

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3509. Буюртма S — 7345. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВАДА НАРХИ
ЭРКИК.

ISSN 2183-614X

1772181614000